Жаҳоннинг нуфузли халқаро минбари – БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши ййғилишида давлатимиз раҳбарининг нутқ сўзлаши мамлакатимизда эришилаётган ана шундай муҳим ютуқлар халқаро ҳамжамиятнинг доимий эътиборида эканининг ва қизғин қўллаб-қувватланишининг эътирофи, десак муболаға бўлмайди. Қолаверса, бу Президентимизнинг инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги юксак сиёсий иродасидан ҳам далолатдир.

Яна бир жиҳат – 160 дан ортиқ мамлакатнинг президентлари, ҳукумат раҳбарлари, йирик халқаро ташкилотлар раҳбарлари иштирок этган ушбу халқаро тадбирда айнан Ўзбекистон Президентининг биринчи бўлиб сўзга чиқиши – бу халқаро ҳамжамиятнинг давлатимиз етакчисига, халқимизга, жонажон Ўзбекистонимизга бўлган юксак ҳурмат ва эътиборнинг ёрқин ифодаси бўлди. Президентимиз бу гал ҳам ўз нутқини ўзбек тилида баён этди. Бу – она тилимизнинг халқаро юксак минбарлардан иккинчи бор жаранг сочиши бўлди. Буни кўриб қалбимизда ғурур ва ифтихор туйғуси яна бир бора жўш урди, кўнглимиз осмон қадар юксалди.

Мазкур анжуманда давлатимиз раҳбари инсон ҳуқуқлари соҳасида энг долзарб бўлган муҳим масалаларга тўхталиб ўтди ва қатор ташаббусларни илгари сурди. Биринчи масала – Ўзбекистон Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишнинг қатъий тарафдоридир. Мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислохотлар, халқаро майдонларда илгари сурилаётган таклиф ва

ташаббўслар Барқарор ривожланиш мақсадларининг “ҳеч кимни эътибордан четда қолдирмаслик” тамойили билан ҳамохангдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш ва инсон ҳуқуқларини таъминлашда парламентларнинг ролини ошириш тўғрисида БМТ Бош Ассамблеясининг махсус резолюциясини қабул қилиш тўғрисидаги таклифи Ўзбекистонни глобал ва минтақавий кун тартибини шакллантиришдаги фаол иштирокчига айланиб бораётган мамлакатлар сифатида баҳолашимиз мумкин.

Давлатимиз раҳбари барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда парламентнинг роли ҳақида доимий равишда таъкидлаб келади.

Жумладан, Президентимиз Сенатнинг биринчи мажлисидаги нутқида ҳам Барқарор ривожланиш мақсадларини бажариш бўйича тасдиқланган индикаторларга эришилиши устидан Сенат доимий мониторинг олиб бориши мақсадга мувофиқлиги юзасидан тегишли таклифлар берган эди. Шу боис, Барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларнинг изчил амалга оширилиши устидан доимий назоратни олиб бориш мақсадида Парламент комиссияси ташкил этилди.

Парламент комиссияси аъзолари иштирокида Ўзбекистоннинг Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга оширишга доир биринчи ихтиёрий миллий шарҳи лойиҳаси ишлаб чиқилди ва мамлакатимиз илк маротаба барқарор ривожланиш бўйича олий даражадаги сиёсий форумга ушбу шарҳни тақдим этган 49 та давлат сафидан жой олди.

Шунингдек, барқарор ривожланиш соҳасидаги озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ҳамда гендер тенгликни таъминлаш ва хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан республиканинг 7 та ҳудудида ўрганишлар олиб борилди. Ўрганиш доирасида 3 та миллий мақсад, унинг 30 та вазифаси ҳамда 55 та индикатор қамраб олинди. Натижалар Парламент комиссиясининг мажлисида муҳокама қилиниб, Ҳукумат олдига аниқ вазифалар қўйилди. Мазкур ишларнинг мантиқий давоми сифатида жорий йилда Бухоро шаҳрида “Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда парламентларо глобал ҳамкорлик” мавзусидаги халқаро форумни ўтказиш режалаштирилмоқда.

Барқарор ривожланишга эришиш мақсадида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар халқаро рейтинг агентликлари томонидан ҳам муносиб баҳолаб келинмоқда. Хусусан, Бертельсман фондининг 2020 йилги ҳисоботида Ўзбекистон Барқарор ривожланиш мақсадлари кўрсаткичларига эришиш бўйича 193 та мамлакат орасида 66-ўринни эгаллаган. Бундай натижага эришишнинг асосий омиллари сифатида камбағал аҳоли

улушининг 2015 йилдаги 13 фоиздан 2018 йилда 11 фоизгача камайгани, болаларни мактабгача таълим билан қамров даражаси 2017 йилдаги 28 фоиздан 2019 йилда 52 фоизга ортгани эътироф этилган.

Иккинчи масала – бу гендер сиёсати тааллуқли бўлиб, бу борада мамлакатимизда мустақкам ҳуқуқий асослар яратилди. Барча соҳаларда хотин-қизларнинг манфаатларини таъминлаш юзасидан қатор амалий ишлар қилинмоқда. Бу йўналишдаги ишларимиз халқаро миқёсда муносиб тан олинмоқда. Мисол учун, халқаро парламентлараро ассамблеяси бош котиби Мартин Чунгонг Ўзбекистон тажрибаси бошқа давлатлар учун намуна бўлишини таъкидлаб ўтди. 2021 йилда Марказий Осиё мамлакатларининг етакчи аёллари мулоқотига раислик қилишнинг Ўзбекистонга топширилишини ҳам мамлакатимизда гендер сиёсати тўғри йўналишлар асосида олиб борилаётгани, деб баҳолашимиз мумкин.

Учинчи масала – Президентимиз ўз нутқида ёшлар масаласига алоҳида тўхталиб ўтди. Жорий йилнинг “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустақкамлаш йили”, деб эълон қилиниши ҳам бежиз эмас. Болалар омбудсмани институти фаолияти янада такомиллаштирилиб, ҳозирги кунда бу борада қонун ҳам ишлаб чиқилмоқда.

Ҳаммамизга маълумки, Президентимиз БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясида Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни қабул қилиш таклифини илгари сурган эди. Бугунги чиқишда эса Ёшлар ҳуқуқлари бўйича махсус маърузачи институтини таъсис этиш таклифи билдирилди. Бу орқали ёшлар масалаларини БМТнинг юқори минбарларида доимий равишда муҳокама қилиб бориш имконияти яратилади.

Тўртинчи масала – коррупцияга қарши курашиш масаласи эканлиги қайд этилди. Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 29 июндаги фармони билан ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши бу йўналишда катта қадам бўлгани ҳамда бугунги кунда Миллий кенгаш ва Агентлик томонидан бир қатор ишлар амалга оширилаётгани алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Миллий кенгаш иш режасига мувофиқ, коррупцияга қарши курашиш бўйича турли йўналишларда аниқ чора-тадбирлар белгиланди, бир қатор мутасадди идоралар раҳбарларининг ахборотлари эшитилди. Сингапур, Жанубий Корея ва Словения давлатларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасида фаолият юритаётган уч нафар етакчи экспертларини Коррупцияга қарши курашиш агентлигига маслаҳатчи сифатида жалб этиш бўйича келишувга эришилди.

Коррупцияга қарши курашиш тизими самарадорлигига эришиш, мамлакатнинг халқаро майдондаги ижобий обрў-эътиборини ошириш мақсадида соғлиқни сақдаш, қурилиш, олий ва ўрта махсус таълим ва давлат харидлари соҳаларида “Коррупциясиз соҳа” лойиҳасини амалга ошириш учун ишчи гуруҳлар тузилиб, уларнинг таркиби тасдиқланди ҳамда вазифалари белгилаб олинди.

Коррупциянинг мавжуд ҳолати бўйича Халқаро коррупцияга қарши курашиш ташкилотининг (Transparency International) 2019 йилда эълон қилган индексида Ўзбекистон 180 та давлатдан 153-ўринни эгаллаган бўлса, 2020 йилда 7 поғонага кўтарилиб, 146-ўринни эгаллади. Коррупцияга қарши курашиш халқаро стандартларини Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига имплементация қилишни давом эттириш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланди.

Коррупцияга қарши курашиш ҳар бир фуқаронинг, умуман олганда, барчамизнинг бирдек вазифамиз экан, бу борада жамоатчиликнинг роли муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги дастурларни амалга оширишда фаол иштирок этиш мақсадида Агентлик ҳузурида Жамоатчилик кенгаши ташкил этилди.

Кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш учун ўтказиладиган танловларни интернет тармоғида онлайн трансляция қилиш амалиётини йўлга қўйиш учун алоҳида хоналар ажратиш ва жиҳозлаш ҳамда мажбурий равишда интернет тармоғида онлайн трансляция қилиш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, Миллий кенгаш низоми, 2021–2025 йилларга мўлжалланган Миллий стратегия ва Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2021–2022 йилларга мўлжалланган давлат дастури лойиҳалари ишлаб чиқилиб, муҳокама этилмоқда.

Бешинчи масала – алоҳида эътиборга молик, имконияти чекланган, ногиронлиги бор фуқаролар масаласи. Президентимиз ўз чиқишида Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг парламент томонидан ратификация қилиниши кутилаётганини алоҳида қайд этиб ўтди. Мамлакатимизда мазкур Конвенцияни ратификация қилиш учун ҳуқуқий асослар такомиллаштирилди. Ўтган йили “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. 2021 йилги давлат дастурида ҳам ушбу тоифадаги инсонларнинг ижтимоий ҳимояси йўналишида қатор чора-тадбирлар белгиланди. Ногиронликни белгилашнинг жаҳон андозаларига мос “ижтимоий модели”га босқичма-босқич ўтилмоқда ва, энг асосийси, бу йўналишдаги ислохотларимиз ортга қайтмас тус олди.

Олтинчи масала – бу мамлакатимизда болалар ва мажбурий меҳнат бартараф этилганлиги таъкидлаб ўтилди. Бу борада охириги 4 йил ичида биз мисли кўрилмаган натижаларга эришдик.

Яъни юртимизда болалар ва мажбурий меҳнатга батамом чек қўйилди. Аҳоли учун эркин, муносиб меҳнат билан таъминлаш ишлари қишлоқ хўжалигини модернизациялаш, меҳнат соҳасига бозор иқтисодиёти ва стандартларини жорий этиш ишлари билан биргаликда олиб борилмоқда. Бу ишларимиз Халқаро меҳнат ташкилоти Бош директори Гай Райдер томонидан 2020 йилда ўтказилган халқаро мониторинг гуруҳи экспертлари томонидан эътироф этилди.

Мазкур масалага янада аниқроқ тўхталадиган бўлсак, биргина 2020 йилнинг ўзида мамлакатимизда одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш йўналишидаги вазифаларни тартибга солиш мақсадида 19 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди. Энг асосийси, мажбурий меҳнатга барҳам бериш мақсадида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига маъмурий жавобгарликни кучайтирувчи ҳамда жиноий жавобгарликни белгилловчи меъёрлар киритилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, болалар меҳнатига йўл қўйган шахсларга жиноий жавобгарлик белгиланди.

Бундан ташқари, хорижий давлатларда меҳнат фаолиятини амалга ошириш истагида бўлган фуқаролар учун қулай шарт-шароитлар яратиш, одам савдосидан жабрланган фуқароларимизнинг ҳуқуқлари ва уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида мавжуд қонун ҳужжатлари такомиллаштирилди.

Шу билан бирга, Президентимиз томонидан мазкур нуфузли анжуманда инсон ҳуқуқлари бўйича таълимни кучайтириш, фуқаролиги бўлмаган шахслар сонини камайтириш, фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш, сўз эркинлигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, судьялар мустақиллигини таъминлаш, уларнинг ишлаш механизмларини такомиллаштириш борасида бир қатор муҳим ташаббуслар илгари сурилди. Бундан ташқари, қийноқларнинг ҳар қандай кўринишига мутлақо йўл қўймаслик, Қийноқларга қарши конвенциянинг Факультатив протоколини ратификация қилиш, Қийноқлар бўйича БМТнинг махсус маърузачисини Ўзбекистонга таклиф этиш каби долзарб масалалар бўйича сўз юритилди.

Умуман олганда, давлатимиз раҳбарининг мазкур анжумандаги нутқида айтилган ҳар бир фикр-мулоҳаза, таклиф ва ташаббуслар нафақат юртдошларимизни, балки халқаро ҳамжамиятни ҳам тўлқинлантириб юборгани табиий. Зеро, унда нафақат халқимизнинг, балки бутун инсониятнинг фаровон келажагига хизмат қиладиган муҳим мақсад ва вазифалар ўз ифодасини топди.

Шу боис маърузада илгари сурилган ғоя ва ташаббуслар, мақсад-вазифаларни рўёбга чиқариш биз – парламент аъзолари, Хукумат вакиллари, маҳаллий ҳокимликлар зиммасига улкан масъ-

улият юклайди. Эндиликда барчамиз баҳамжихат бўлиб, бир ёқадан бош чиқариб, аниқ режа ва йўналишларни белгилаб олиб иш юритсак, бу борада кўзлаган мақсадларимизга албатта эришамиз.

КАЛАНДАР АБДУРАҲМОНОВ,

Ўзбекистон Фанлар академияси академиги

Мамлакатимиз инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларига қатъий содиқ қолади

Янги Ўзбекистон жаҳонда инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш, ҳимоя қилиш ва уларга амал қилишни давлат сиёсатининг устувор йўналишига айлантирган, ушбу соҳада янги-янги халқаро ташаббуслар муаллифига айланган давлат сифатида танилмоқда ва эътироф этилмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, мамлакатимиз тарихда биринчи марта БМТ тизимидаги энг нуфузли ҳукуматлараро органлардан бири – Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш аъзоси этиб сайланди.

2021 йил 22 февралда ватандошларимиз яна бир тарихий воқеанинг гувоҳи бўлди – Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашнинг 46-сессиясида нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбари ўзбек тилида жаҳон ҳамжамиятига қарата “Ўзбекистон Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш аъзоси сифатида халқаро ҳуқуқнинг инсон ҳуқуқларига оид умумэътироф этилган принцип ва нормаларини қатъий ҳимоя қилади ва фаол илгари суради”, деб ишонч билдирди.

Президентимизнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72- ва 75-сессияларида БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини, Маърифат ва диний бағрикенглик, Барқарор тараққиёт мақсадларига эришиш ва инсон ҳуқуқларини таъминлашда парламентлар ролини ошириш тўғрисидаги резолюцияларни, пандемиялар даврида давлатларнинг ихтиёрий мажбуриятлари тўғрисидаги халқаро кодексни қабул қилиш юзасидан билдирган ташаббуслари жаҳон ҳамжамияти томонидан мамнуният билан қабул қилинди ва қўллаб-қувватланди.

Буни БМТ Бош Ассамблеясининг 73-сессиясида Ўзбекистон ташаббуси билан Маърифат ва диний бағрикенглик тўғрисидаги резолюция қабул қилингани ҳам исботлаб турибди.

Бу гал ҳам давлатимиз раҳбари ўз нутқида БМТ Бош қотиби Антониу Гутерришнинг фуқаролиги бўлмаган шахслар сонини камайтириш бўйича қатъий чоралар кўриш тўғрисидаги таклифини қўллаб-қувватлаган ҳолда, инсон ҳуқуқлари соҳасида янги ғояларни илгари сурди. Хусусан, Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим декларациясининг 10 йиллигига бағишлаб Олий комиссар бошқармаси билан бирга глобал форум ўтказиш, Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш томонидан Судьялар кенгашлари фаолияти-



нинг универсал принципларини ишлаб чиқиш таклифи ўртага ташланди.

Мамлакатимизда кейинги йилларда амалга оширилаётган туб ислохотларда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига биринчи даражали эътибор берилаётгани тасодиф эмас. Буюк аллома Алишер Навоий таълим берганидек: “Бу гулшан аро йўқдир бақо гулига сабот, Ажаб саодат эрур гар яхшилик бирла қолса от”. Яъни, буюк юртни комил инсонлар бунёд этади. Улар ҳам ўқимишли ва билимдон, ҳам ташаббускор ва юртпарвар бўлишлари учун энг тараққий этган давлатлардаги каби барча ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиши керак.

Шу мақсадда 2020 йилда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси қабул қилинди. Бу тарихий ҳужжатда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш бўйича изчил давлат сиёсатини амалга оширишнинг асосий вазифалари ва йўналишлари белгилаб берилди.

Мамлакатимизда Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (омбудсман) ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ фаолияти тубдан такомиллаштирилмоқда. Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ва Бола ҳуқуқлари бўйича вакил лавозимлари жорий қилинган. 2021 йил – Болалар меҳнатига барҳам бериш халқаро йилида Болалар омбудсмани тўғрисидаги қонунни қабул қилиш белгиланган.

Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари бўйича 80 дан ортиқ халқаро ҳужжат, жумладан, БМТнинг 6 та асосий шартномаси ва 4 та факультатив протоколига қўшилган. Уларнинг амалга оширилиши юзасидан БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши ва шартномавий қўмиталарига мунтазам равишда миллий маърузаларни тақдим этиб келмоқда.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда Ўзбекистон Президентининг Халқ ва Виртуал қабулхоналари, шунингдек, Бош вазирнинг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича қабулхоналарининг ташкил этилиши ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу “Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат органлари халққа хизмат қилиши керак” ғоясини ҳаётга татбиқ этишнинг амалий кўриниши бўлди.

Суд-ҳуқуқ соҳасида ҳам чуқур ислохотларга киришилди. Қонун олдида тенглик, инсонпарварлик, адолатлилик қарор топа бошлади. Натижада аҳолининг одил судловга бўлган ишончи ортмоқда. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда, низоларни судгача ҳал қилишда ва тарафларни яраштиришда адвокатларнинг ваколатлари сезиларли даражада кенгайтирилмоқда. Афв этиш ва жамоат бирлашмаларининг кафилиги остида шахсларни жазодан озод қилишнинг мутлақо янги тизими жорий этилди. 2020 йилнинг ўзида 719 нафар фуқарога нисбатан оқлов ҳукми

чиқарилгани, судланган шахсларнинг 74 фоизига нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинлангани, жазо муддатини ўтаётган ва тузалиш йўлига қатъий кирган 616 нафар фуқаро афв этилгани буни яққол исботлаб турибди.

Мамлакатимизда узоқ вақтдан бери яшаб келиб, Ўзбекистон фуқароси деган ҳуқуқий мақомга эга бўлмаган 50 мингга яқин юртдошимизнинг ана шу муаммоси ҳал этилиб, уларни Ўзбекистон фуқаролари сифатида тан олишнинг қонуний чоралари кўрилди.

Виждон эркинлиги ҳуқуқини таъминлаш соҳасидаги ишлар ҳам кенг кўламли. Бугунги кунда мамлакатимизда 16 та конфессиянинг 2 277 та диний ташкилоти фаолият юритмоқда. “Жаҳолатга қарши маърифат” гоясини амалга оширишга, диний таълим ва маърифат тизimini ривожлантиришга, диний ходимлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу вақтгача мажбурий меҳнат, болалар меҳнати масаласида кўп жиҳатдан жиддий танқид эшитишимизга тўғри келди. Аввалги тузумдан мерос бўлиб қолган амалдаги қонунларга зид ушбу ҳолатга барҳам беришнинг имконияти йўқдек туюларди. Давлатимиз раҳбари Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашнинг 46-сессияси онлайн мажлисида: “Биз Халқаро меҳнат ташкилоти ва Жаҳон банки билан ҳамкорликда мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатига барҳам бериш бўйича катта ишларни амалга оширдик. Бу ислохотларимиздаги энг асосий ютуқларимиздан бири бўлди”, деб таъкидлади.

Ҳақиқатан, Халқаро меҳнат ташкилотининг “Учинчи томон мониторинги” лойиҳаси доирасида 2020 йилги пахта терими мавсумида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнат ҳолатларини аниқлаш бўйича ўтказилган мониторинг натижаларига кўра, Ўзбекистонда болалар меҳнатидан умуман фойдаланилмаган, деган хулосага келинди ҳамда фуқароларни мажбурий тарзда меҳнат қилишга жалб этиш ҳолатлари кузатилмагани қайд этилди.

Юртимизда кенг кўламли демократик ислохотлар натижасида аёлларнинг сиёсий-ижтимоий жараёнлардаги иштироки тобора кенгайиб бормоқда. Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган 150 нафар депутатнинг 48 нафари ёки 32 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Миллий парламенти тарихида биринчи марта аёл киши Сенатни бошқармоқда. Шунингдек, Ўзбекистон тарихида биринчи марта миллий парламентда аёллар сони БМТ томонидан белгиланган тавсияларга мос даражага етди. Мамлакатимиз парламенти аёл депутатлар сони бўйича дунёдаги 190 та миллий парламент ўртасида 37-ўринга кўтарилди. Ҳолбуки, бундан 5 йил аввал биз бу борада 128-ўринда эдик.

Давлат ва жамоат ташкилотлари тизимида 1 380 нафардан зиёд хотин-қизлар раҳбарлик лавозимларида ишламоқда. Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари ташкил этилган. Улар томонидан 28 мингга яқин опа-син-

гиларимизга тадбиркорлик, ҳунармандлик, касбга қайта тайёрлаш, бандликни таъминлаш юзасидан амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Шунингдек, беш муҳим ташаббус доирасида 21 минг 500 нафар қиз қисқа муддатли касб-ҳунар курсларида ўқитилди. Ана шундай имкониятлар туфайли тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйган аёллар сони бир йилда қарийб 45 минг нафарга кўпайиб, улар томонидан минглаб янги иш ўринлари яратилмоқда. Шу билан бирга, олий ўқув юртларига қабул қилишда эҳтиёжманд оилалар қизлари учун грантлар сони 2 баробар кўпайтирилиб, 2 мингтага етказилмоқда. Бу борадаги ишларни янада кенгайтириш мақсадида Ўзбекистонда Марказий Осиё мамлакатлари етакчи аёлларининг мулоқоти ва хотин-қизларнинг минтақавий бизнес форумини ўтказиш ташаббуси илгари сурилди.

Мамлакатимиз БМТнинг Инсон ҳуқуқлари таълими соҳасидаги бутунжаҳон дастурида ҳам фаол иштирок этмоқда. Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш концепцияси ва БМТнинг Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тарбия тўғрисидаги декларацияси қоидаларини амалга ошириш бўйича Миллий ҳаракат дастурининг ижроси юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари, таълим муассасалари аҳоли орасида умуминсоний қадриятлар, инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ва унга риоя этиш тамойилларини оммалаштиришга, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқий ахборотдан фойдаланишини таъминлаш жараёнига кенг жалб этилган.

Ўзбекистон бугунги шароитда ёшларга оид сиёсатни шакллантириш ва амалга оширишга қаратилган умумлаштирилган халқаро ҳуқуқий ҳужжат – БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқиш ташаббускори ҳам ҳисобланади. Инсон ҳуқуқлари бўйича “Ёшлар – 2020: глобал бирдамлик, барқарор тараққиёт ва инсон ҳуқуқлари” мавзусида ўтган йили Самарқандда бўлиб ўтган веб-форум бевосита ушбу масалага бағишланди. Унда БМТ ва унинг муассасалари, Парламентлараро иттифоқ, Европа Кенгаши, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Осиё парламент ассамблеяси, Африка Иттифоқи намояндалари билан бирга жаҳондаги 30 дан зиёд ёшлар ташкилотининг 1000 нафардан зиёд вакили иштирок этди.

Хулоса қилиб айтганда, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини муҳофазалаш бугун жамиятимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг бош мақсадига айланди. Бу борада Президентимизнинг нутқида илгари сурилган эзгу ғоя ва ташаббуслар нафақат мамлакатимиз аҳолисининг, балки бутун инсониятнинг фаровонлигини таъминлаш, келажак авлодларга мусоффо осмон, нурафшон манзилларни мерос қолдиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

ГУЛНОРА МАРУФОВА,

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирининг
биринчи ўринбосари

Аёлларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш – ислоҳотларнинг бош мезони

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясида сўзлаган нутқи халқимиз ва халқаро жамоатчилик томонидан эътироф этилиб, қизғин қўллаб-қувватланмоқда.

Ушбу воқеликнинг тарихий аҳамияти шундан иборатки, мустақил Ўзбекистон илк маротаба ана шундай нуфузли халқаро анжуманда Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш аъзоси сифатида иштирок этди.

Албатта, сўнгги йилларда янгилашиб бораётган янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижобий ўзгаришлар, олиб борилаётган ошкоралик сиёсати халқаро экспертлар томонидан юқори баҳоланиб, мамлакатимиз қатъий, чуқур ислоҳотлар ва ўзгаришларнинг янги босқичига қадам қўйди. Айниқса, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, бу борадаги қонунчилик ва ташкилий-ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш, халқаро мажбуриятларни бажариш ҳамда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни фаоллаштириш Ўзбекистон олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатнинг пировард мақсадига айланди.

Хусусан, мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида тизимли ислоҳотлар амалга оширилаётгани, «Меҳр-1», «Меҳр-2», «Меҳр-3» инсонпарварлик операциялари орқали дунёнинг энг қайноқ уруш ўчоқлари ва нотинч ўлкаларидан аёллар ва болаларнинг юртимизга олиб келингани, улар учун зарурий шароитлар яратиб берилгани юртимизда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган одилона сиёсатнинг бир тимсолидир.

Муҳтарам Президентимиз мазкур нутқида бу масала юзасидан ўз фикрларини билдирар экан, Ўзбекистоннинг Кенгаш доирасидаги фаолиятининг устувор йўналишларини маълум қилди ва мамлакатимизда олиб борилаётган демократик ислоҳотлар янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилгани, бу янгилишлар энди сира ортга қайтмаслигини қатъий таъкидлади. Хусусан, инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш Ўзбекистондаги ислоҳотларда энг муҳим ўринда туришини, 2030 йилгача мўлжалланган Барқарор ривожланиш мақсадлари мамлакатимизда ҳар бир инсоннинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашни кўзда тутадиган – ҳеч кимни эътибордан четда қолдирмаслик” тамойили асосида амалга оширилишини айтиб ўтди.



Бундан ташқари, гендер сиёсати масалалари, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ва ишбилармонлик соҳасида аёлларнинг ролини тубдан оширишга қаратилган изчил ислохотларнинг давом эттирилиши, бу йўлда эса халқаро ҳамкорлик янада кенгайтирилиши, шубҳасиз, ушбу нуфузли анжуманда янграган энг муҳим фикрлардан бири бўлди.

Дарҳақиқат, бугун мамлакатимизда гендер сиёсати масалалари, хотин-қизларнинг ўз имкониятларини тўлақонли рўёбга чиқаришлари учун зарур шарт-шароитларни яратиш, эҳтиёжманд ва оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга амалий ёрдам кўрсатиш, бандлигини таъминлаш давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишига айланди.

Хусусан, юртимизда оилавий зўравонликдан жабр кўрган хотин-қизларга «ҳимоя ордери» берилиши мамлакатимизда аёлларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида қўлга киритилган салмоқли ютуқлардан бири бўлди.

Бундан ташқари, бугун мамлакатимизда ижтимоий фаол аёлларни раҳбарлик лавозимларига тайёрлаб бориш, уларни ўқиш, малакасини ошириш бўйича ўзига хос тизим яратилди.

Рақамларга эътибор берсак, 2016 йил юртимизда раҳбар аёллар сони 7 фоизни ташкил этган бўлса, 2020 йилга келиб бу кўрсаткич 12 фоизга етди. Ўзбекистон тарихида биринчи марта Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига сайланган 150 нафар депутатнинг 48 нафари ёки 32 фоизи, Сенат аъзоларининг қарийб 25 фоизини хотин-қизлар ташкил этмоқда.

Шунингдек, 339 нафар Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндорлари, 2 мингдан ортиқ давлат мукофотларига муносиб кўрилган хотин-қизларни жамият, маҳалла ҳаётидаги ишларга кенг жалб қилиш, уларни ҳимоя ва қўмакка муҳтож хотин-қизларга бириктирган ҳолда шароити оғир ижтимоий қатламдаги аёлларнинг муаммоларини ҳал этиш борасида самарали ишлар йўлга қўйилди. Жамият ва давлат ҳаётида фаоллик ва ташаббускорлик кўрсатган хотин-қизларни тақдирлаш учун «Мўътабар аёл» кўкрак нишонининг таъсис этилгани хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга қўшимча имкониятларни яратиб берди. 2019 йилда 290 нафар, 2020 йилда 297 нафар фаол хотин-қизлар ушбу кўкрак нишони билан тақдирланди.

Хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш бўйича «Раҳбар аёлнинг бир куни», Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари иштирокида «Ислохотлар ва юрт тараққиётига менинг ҳиссам» мавзусидаги онлайн конференцияларни ўтказиш тизими йўлга қўйилди.

Республика, 14 та ҳудудий ва 204 та туман (шаҳар)ларда «Хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлар ва хотин-қизлар масалалари бўйича бошланғич ташкилотлар тажрибаси» мавзусида аёллар форуми ўтказилди.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси билан ҳамкорлигида хотин-қизлар муаммолари тизимли равишда ўрганиш жараёнида 433 мингга яқин хотин-қизлар «Аёллар дафтари»га киритилди ва бугунги кунга келиб, ушбу дафтардаги 80 175 нафар аёлларнинг муаммолари ўрнатилган тартибда ҳал этилди. 30 ёшдан юқори бўлган 11 минг нафар хотин-қизга тижорат банклари томонидан 1 трлн. сўмдан ортиқ кредит маблағлари ажратилишига қўмаклашилди. Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан 3 335 нафар хотин-қизнинг кичик бизнес лойиҳалари учун 70 млрд. 922 млн. сўм миқдоридаги маблағ йўналтирилди. «Аёллар дафтари»га киритилган 3389 нафар ёрдамга муҳтож оналар ва ногиронлиги бўлган хотин-қизларга ёрдам кўрсатилди.

1246 нафар хотин-қизларга уй-жой сотиб олиш учун Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан 21 млрд. 746 млн. сўм миқдоридаги бошланғич бадаллар тўлаб берилди.

Кафиллик асосида жиноят содир этган ва ҳуқуқбузарликка қўл урган 42 нафар хотин-қиз кафилликка олинди ва муддатидан олдин жазодан озод этилди.

57 217 нафар аёлларга ҳуқуқий, психологик ва тиббий ёрдамлар кўрсатилди.

Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан ногиронлиги бўлган 2 425 нафар хотин-қизларга 1,9 млрд. сўмдан ортиқ маблағлар эвазига ногиронлик аравачаси, эшитиш мосламаси ва бошқа реабилитация воситалари берилди.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларнинг билим олиш имкониятини кенгайтириш учун жорий этилган янги тизим асосида 18 628 нафар хотин-қизларга олий таълим муассасаларига давлат гранти асосида қабул кўрсаткичлари доирасида танловда иштирок этишлари учун тавсияномалар берилди, шундан 950 нафари олий таълим муассасаларига грант асосида талабалikka қабул қилинди. Жорий йилда ушбу қабул квотаси 2 бараварга кўпайтирилиши белгиланди.

Бир сўз билан айтганда, Давлатимиз Раҳбари ўз нутқи давомида Ўзбекистон Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш аъзоси сифатида халқаро ҳуқуқнинг инсон ҳуқуқларига оид умумэтироф этилган принцип ва нормаларини қатъий ҳимоя қилиши ва фаол илгари суришини билдириб ўтди.

Инсон ҳуқуқ ва манфаатлари энг олий қадрият

Давлатимиз раҳбарининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясидаги нутқи барчанинг диққат марказида бўлди.

Бу мамлакатимиз учун тарихий учрашув бўлди, чунки Ўзбекистон БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши аъзоси сифатида биринчи марта иштирок этди ва бу дунёнинг 169 та давлати томонидан қўллаб-қувватланди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қонунчилик ва ташкилий-ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш, халқаро мажбуриятларни бажариш, шунингдек, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари юзасидан халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик муносабатларини кучайтиришга доир тизимли ишлар олиб борилди. Мамлакатимизнинг ушбу йўналишдаги тажрибаси жаҳон ҳамжамияти томонидан алоҳида эътироф этилди.

Айниқса, мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатига барҳам берилишини алоҳида таъкидлаш жоиз. Олдинлари олий, ўрта махсус ўқув юртларининг талабалари ҳамда умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари мавсумий ишларга, ободонлаштириш ишларига асосий меҳнат кучи сифатида мажбурий сафарбар этилар эди. Мана шу мажбурий меҳнатга Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан кескин барҳам берилди. Бунинг натижасида нафақат таълим соҳасида балки барча ташкилотларда юқорида келтирилган мажбурий меҳнатнинг тўлиқ бартараф этилишига эришилди. Нутқда таъкидланганидек, бу ислохотларимиздаги энг асосий ютуқларимиздан бири бўлди.

Шунингдек, фуқаролиги бўлмаган шахслар сонини камайтириш бўйича қатъий чоралар кўриш тўғрисидаги таклифнинг қўллаб-қувватланиши ҳақиқий инсонпарварлик намунаси бўлди. Ушбу йўналишда ҳам мамлакатимиз томонидан катта ишлар амалга оширилгани сир эмас. Президентимиз ўз нутқида ўтган йилнинг ўзида 50 минг нафар ватандошимиз Ўзбекистон фуқаролигига қабул қилинганлигини, бу йил яна 20 мингдан зиёдининг фуқароликка эга бўлишини қайд этди. Шунингдек, нутқда инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинлиги, гендер ҳуқуқи сиёсати, ижтимоий-сиёсий ҳаётда ва тадбиркорлик соҳасида аёлларнинг ролини тубдан оширишга қаратилган ишлар, алоҳида эҳтиёжга эга бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлашга жиддий эътибор қаратиш, айниқса, мамлакатимиз аҳолисининг ярмидан кўпини ташкил этадиган ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш доимо эътибор марказида эканлигини алоҳида эътироф этиб ўтилди.

Умуман олганда, давлатимиз раҳбарининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясидаги нутқи мамлакатимизнинг ҳар бир фуқаросида чексиз фахр-ифтихор туйғусини уйғотади ва шунинг билан бирга катта масъулият ҳам юклайди.

ЖАҲОНГИР САРИМСОҚОВ,

Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш
жамиятлари федерацияси раиси

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бугун ҳар нарсадан устун

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бугун ҳар нарсадан устун эканлиги жамият ҳаётининг фаровонлиги йўлида олиб борилаётган ислохотлар натижасида кўришимиз мумкин.

Таъкидлаш жоизки, Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш фаолияти бутун дунё бўйлаб инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлашга қаратилган БМТ тизимидаги энг нуфузли ҳукуматлараро органлардан бири ҳисобланади. Кенгашга 47 та давлат аъзо бўлиб, ўтган йилнинг октябрида Ўзбекистон 2021–2023 йиллар даврига ушбу тузилма аъзоси этиб илк бор сайланган. Коронавирус пандемияси муносабати билан кенгашнинг навбатдаги йиғилиши Женева шаҳрида видео-анжуман шаклида ўтказилди.

Давлатимиз раҳбарининг БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясида сўзлаган нутқида мамлакатимизда демократик янгиланишларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишлари ҳамда мамлакатимизнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши доирасидаги фаолиятининг асосий йўналишларига тўхталиб ўтди.

Жумладан, 2030 йилгача мўлжалланган Барқарор ривожланиш мақсадлари мамлакатда ҳар бир инсоннинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашни кўзда тутадиган «ҳеч кимни эътибордан четда қолдирмаслик» тамойили асосида амалга оширилиши;

гендер сиёсати масалалари борасида мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ва ишбилармонлик соҳасида аёлларнинг ролини тубдан оширишга қаратилган ишларни қатъий давом эттирилиши, Ўзбекистонда Марказий Осиё мамлакатлари етакчи аёлларининг мулоқоти ва хотин-қизларнинг минтақавий бизнес-форумини ўтказилиши;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги янги қонун кучга кирганлиги, Ўзбекистон Парламенти Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни ратификация қилиниши кутилаётганлиги ва Ўзбекистон имконияти чекланган шахсларнинг ўз қобилиятини тўла рўёбга чиқариш масалалари бўйича Минтақавий кенгаш тузишни таклиф этганлиги;

Ўзбекистон Халқаро меҳнат ташкилоти ва Жаҳон банки билан ҳамкорликда мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатига барҳам бериш бўйича Болалар Омбудсмани тўғрисидаги қонун қабул қилиниши;

«Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим» декларациясининг 10 йиллигига бағишлаб Олий комиссар бошқармаси билан биргаликда глобал форум ўтказилишини таклиф этилиши;

фуқаролиги бўлмаган шахслар сонини камайтириш мақсадида ўтган йилда 50 минг нафар киши Ўзбекистон фуқаролигига қабул қилинганлиги, бу йил яна 20 мингдан зиёд киши фуқароликка эга бўлиши ҳақидаги қатор масалалар юзасидан олий минбардан туриб сўз юритган давлатимиз раҳбари юртимизда инсон ҳуқуқлари борасида амалга оширилаётган ислохотлар келгусида янада самарали давом этишини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ҳам инсон ҳуқуқлари, хусусан истеъмолчилик маданияти ва истеъмолчилар билан ишлашнинг янги тизимларини жорий этмоқда. Биргина «Маҳаллабай» ишлаш тизимини жорий этиш мақсадида, Республикамининг барча туман ва шаҳарларида жойлашган маҳалла аҳолисининг шароитидан келиб чиқиб, ҳар бир хонадонга 6 бошдан товуқ, тегишли тикув машиналари, пайвандлаш ва қадоқлаш ускуналари, уй паррандалари берилди.

Шунингдек, маҳалладаги 120 та хонадонга ҳудудий электр тармоқлари корхонаси билан ҳамкорликда электр ҳисоблагичлар ўрнатиб берилди. Шу билан бир қаторда янги қурилган хонадонларга электр симлар тортиб берилди.

Бундан ташқари, истеъмолчиларнинг муаммоларини жойида ҳал этиш мақсадида, бугунги кунда 30 та «Истеъмолчилар уйи» маъмурий комплекслари ҳам қуриб фойдаланишга топширилди, яна 81 та барча қулайликларга эга «Истеъмолчилар уйи» маъмурий комплекслари қурилиши режалаштирилган. Аниқ режа, қатъийлик ва узоқни кўра билиш салоҳиятига эга юртбошимизнинг маърузаси юртдошларимиз қалбида ишонч, орзу, умид оловини ёқди. Бу эса мамлакатимиз эртанги тараққиёти, ислохотлар самарасида муҳим омил бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Зеро, бугун давлат раҳбарининг оддий халқ билан халқнинг орасида оддий тилда сўзлашаётган халқпарвар сифатида, юрт равнақи, тараққиёти учун ечим излаётган иқтисодчи сифатида, халқ фаровонлиги, инсонларнинг эмин-эркин яшашлари учун фидойилик қилаётган ислохотчи сифатида, олий минбарларда туриб шу юртнинг порлоқ келажаги учун изланаётган сиёсатчи сифатида олиб бораётган фаолиятини алоҳида эътироф этиш лозим.

АДҲАМБЕК РАШИДБЕКОВ,

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик
ва минтақалараро тадқиқотлар институти бош илмий ходими

Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тарбия ишлари сифатини янада ошириш йўлида

Женева шаҳрида бўлиб ўтган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясида Ўзбекистон Президенти илк бор иштирок этиб, нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу нуфузли тadbирдаги иштироки, ҳеч шубҳасиз, тарихий аҳамиятга эга ҳодиса бўлди. Шу кунгача МДҲ мамлакатлари раҳбарлари Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашнинг сессиясида иштирок этмаган.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ўз нутқида мамлакатимизда демократик янгиланишларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишлари ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш доирасидаги ишларнинг асосий вазифаларига батафсил тўхталди. Давлатимизнинг 2021–2023 йиллар даврига ушбу тузилма аъзоси сифатида устувор йўналишларига эътибор қаратди. Шунингдек, бир қатор муҳим аҳамиятга эга ташаббуслар илгари сурилди. Улар орасида БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси билан биргаликда Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тарбия тўғрисидаги декларацияси қабул қилинганлигининг 10 йиллигига бағишлаб глобал форумни ўтказиш таклифи алоҳида ўринга эга.

Жамиятда инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш фуқароларнинг ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш ҳамда қонун устуворлигини мустаҳкамлашнинг муҳим шартларидан биридир. Инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш давлат фаолиятининг муайян шаклларида, жумладан, барча турдаги ва даражадаги таълим тизими, малака ошириш тизимлари инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар фаолиятида ифодаланади.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда бу борада тизимли ва комплекс чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. 2019 йилда БМТ Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тарбия тўғрисидаги декларацияси қоидаларини амалга ошириш бўйича Миллий ҳаракатлар дастури тасдиқланди. Шу асосда «Йўл ҳаритаси»да белгиланган тадбирлар бажарилмоқда.

Президентимиз фармони билан тасдиқланган Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясида инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тарбияга алоҳида урғу берилган. Бу борада мактабгача таълим ва умумтаълим муассасаларида, академик лицей ва коллежларда, шунингдек олийгоҳларда «Инсон ҳуқуқлари», «Аёллар ҳуқуқлари», «Бола ҳуқуқлари» ўқув курсларини жорий этиш муҳим вазифа сифатида белгиланган.

Бундан ташқари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ қошида инсон ҳуқуқларига риоя этиш ва уни ҳимоя қилиш соҳасида кадрлар малакасини ошириш бўйича ўқув курслари ташкил этилган. Ушбу курслар БМТнинг бир қатор йирик тузилмалари ҳамда ЕХХТ лойиҳалари координатори билан ҳамкорликда олиб борилмоқда. Хусусан, 2020 йил декабрь ҳолатига кўра, 500 дан ортиқ раҳбар кадрлар тингловчи сифатида иштирок этиб, ўз малакасини оширди.

Шунингдек, 2020 йилда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда катта ҳисса қўшган, инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим-тарбия ишларида ҳамда жамиятда инсон ҳуқуқлари қарор топишида фаол бўлган фуқароларни рағбатлантириш мақсадида «Инсон ҳуқуқлари ҳимояси учун» кўрак нишони таъсис этилди. Фуқаролик жамияти институтлари, таълим муассасалари, давлат органларининг 12 нафар вакиллари тақдирланди. Ўзбекистон миллий тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйган бир даврда миллий ҳуқуқий тизимни тубдан ислоҳ қилиш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ва малакали юридик кадрларни тайёрлаш бўйича жиддий ишлар амалга оширилди.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро тузилмалар билан яқин шериклик кенгаймоқда, ҳуқуқни ҳимоя қилиш борасида ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар билан амалий мулоқот йўлга қўйилди.

2018 ва 2020 йилларда Самарқанд шаҳрида Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форуми ҳамда «Ешлар-2020: глобал ҳамжиҳатлик, барқарор тараққиёт ва инсон ҳуқуқлари» мавзусидаги инсон ҳуқуқлари бўйича веб-форум бўлиб ўтди. Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тарбияни юксалтириш масаласи ушбу тадбирларнинг асосий мавзуларидан бири бўлди.

Умуман олганда, давлатимиз раҳбарининг глобал форумни ўтказиш тўғрисидаги ташаббуси мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари соҳасида олиб борилаётган кенг кўламли ислохотларнинг манتيкий давоми бўлиб, бу борада таълим ва тарбия ишларини мазмунан бойитишга ҳамда юқори сифат даражасига олиб чиқишга хизмат қилади.

НОДИРБЕК ЮСУПОВ,

ТДЮУ меҳнат ҳуқуқи кафедраси ўқитувчиси

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ҳимояси кучайтирилади

Ўзбекистон БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг кунли кеча бўлиб ўтган 46-сессиясида илк бор аъзо давлат сифатида иштирок этди. Шу жиҳатдан бу кун мамлакатимиз тарихига муҳим сана сифатида кирди.

Таъкидлаш жоизки, Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашга Ўзбекистоннинг аъзо бўлиб кириши БМТнинг 169 аъзо давлати томонидан қўллаб-қувватланган.

Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш 47 давлатдан иборат бўлиб, унга аъзолик уч йилни ташкил қилади. Ўзбекистон кенгашга аъзо бўлар экан, зиммасига инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш мажбуриятини олди.

Бу Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида олиб борилаётган ислохотлар меваси, десак муболаға бўлмайди. Ўтган қисқа давр мобайнида мамлакатимизнинг халқаро нуфузи янги босқичга кўтарилиб, унинг бошқа давлатлар билан ҳамкорлиги янада кенгайди.

Айтиш жоизки, БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларини изчил амалга ошириш бўйича юртимизда тизимли ишлар амалга оширилмоқда. 2018 йил 20 октябрда Вазирлар Маҳкамасининг “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинган.

Қарорда самарали бандликни амалга ошириш, эркак ва хотин-қизларни муносиб иш билан таъминлаш асосида барқарор ва умумқамровли иқтисодий ўсишга кўмаклашиш мақсади белгиланган.

Асосий вазифа сифатида 2030 йилгача барча хотин-қизлар ва эркакларни, шу жумладан, ёшлар ва ногиронларни барқарор ва самарали бандлик ҳамда муносиб иш билан таъминлаш белгиланган.

Болалар меҳнати ҳамда мажбурий меҳнатнинг энг ёмон шаклларига йўл қўймасликни назорат ва мониторинг қилишни кучайтириш, ишчи ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва улар учун хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлаш каби вазифалар назарда тутилган.

Президентимизнинг 2019 йил 30 июлдаги “Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони, 2019 йил 2 сентябрдаги “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, 2020 йил 15 октябрдаги “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги ва “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари амалда таъминланаётгани натижасида мажбурий меҳнатга йўл қўйилмаяпти. Бунга йўл қўйган мансабдор шахслар жавобгарликка тортилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, аёллар ҳамда болалар ҳуқуқларига бўлган эътибор кўчайтирилиб, Президентимизнинг 2019 йил 22 апрелдаги “Болалар ҳуқуқлари кафолатларини янада мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги

фармони билан Омбудсманнинг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили лавозими жорий этилди.

2019 йил 7 мартдаги “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида хотин-қизларнинг гендер камситилишига йўл қўймаслик мақсадида Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссия тузилди.

Хулоса қилиб айтганда, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишнинг асосий тамойили ҳисобланади.

Зеро, бугунги савий-ҳаракатлар, қонунчилик асосини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар, ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантиришдек эзгу мақсадларимиз рўёбга чиқишининг энг муҳим гаровидир.

Юқорида қайд этилганидек, 2021 йилдан Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига аъзо бўлгани Ўзбекистон зиммасига инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш мажбуриятини ҳам юклади. Демак, юртимизда инсон ҳуқуқлари ҳимояси янада кучайтирилади.

МИРЗАТИЛЛО ТИЛЛАБАЕВ,

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси
Миллий маркази директорининг биринчи ўринбосари

Ўзбекистон – БМТ:

Инсон ҳуқуқлари бўйича маъруза моҳияти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши 46-сессиясидаги нутқи мамлакатимиз аҳолиси ва халқаро жамоатчилик томонидан кенг муҳокама қилинмоқда. Коронавирус пандемияси муносабати билан Кенгашнинг ушбу йиғилиши видеоанжуман шаклида ўтказилмоқда.

Бугунги кунда Инсон ҳуқуқлари кенгаши дунёдаги инсон ҳуқуқлари масалаларига ечим топадиган глобал марказга айланган бўлиб, унинг кун тартибидан фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни таъминлаш билан боғлиқ энг долзарб масалалар ўрин олган. Айтиш керакки, Ўзбекистон илк бор 2021–2023 йиллар даврига мазкур Кенгаш аъзоси этиб сайлангани мамлакатимизда сўнгги тўрт йилда инсон ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган ислохотларнинг халқаро ҳамжамияти томонидан муҳим эътирофи бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг нутқи Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг Юқори даражадаги сегменти доирасида давлат раҳ-

барлари орасида биринчи бўлиб тингланди. Шунингдек, ушбу нутқ илк маротаба инсон ҳуқуқлари бўйича дунё пойтахти бўлмиш Женева шаҳрида ўзбек тилида янгради. Ушбу нутқни “Инсон ҳуқуқлари бўйича маъруза” деб ҳам таърифлаш мумкин. Бунга бир неча асослар мавжуд.

Биринчидан, нутқда БМТ Бош котиби А. Гутерриш томонидан эълон қилинган “Инсон ҳуқуқлари йўлида ҳаракатга даъват” ташаббусида эътироф этилган ташаббус ва йўналишлар қамраб олинди.

Иккинчидан, Президентимиз томонидан инсон ҳуқуқлари соҳасида 7 та устувор йўналиш белгиланиб, 18 та аниқ ташаббус билдирилди.

Учинчидан, билдирилган таклиф ва ташаббуслар биринчи навбатда ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлар манфаатларига қаратилган, яъни аёллар, болалар, ёшлар, ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлашни кўзда тутди.

Тўртинчидан, нутқда парламент, ҳукумат, суд ҳокимияти ҳамда фуқаролик жамияти институтлари олдида турган инсон ҳуқуқлари соҳасидаги муҳим вазифалар, жумладан, одил судлов ва инсон ҳуқуқлари бўйича таълимни ривожлантириш ҳамда қийноқларнинг олдини олиш бўйича истиқболдаги ишлар яна бир аниқлаштирилди.

Бешинчидан, нутқда илгари сурилган ташаббуслар бевосита Ўзбекистон ва БМТ доирасидаги икки томонлама ҳал этиладиган масалалар билан биргаликда, минтақавий ва глобал даражада кенг халқаро ҳамкорлар билан амалга оширилиши талаб этилади.

Олтинчидан, Президентимиз нутқида барча таклиф ва ташаббуслар БМТ доирасида амалга ошириладиган муҳим воқеалар ва тадбирлар билан бевосита боғлиқ ҳолда тақдим этилди. Жумладан, “ҳеч кимни эътибордан четда қолдирмаслик” тамоили, фуқаролиги бўлмаган шахслар сонини камайтириш бўйича таклиф, Болалар меҳнатига барҳам бериш халқаро йили ҳамда Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим декларациясининг 10 йиллиги доирасида янги ташаббуслар илгари сурилди.

Еттинчидан, ушбу нутқда белгилаб берилган янги вазифалар Президентимизнинг БМТ Бош Ассамблеяси 75-сессиясидаги нутқи ҳамда Олий Мажлисга йўланган Мурожаатномасидаги вазифалар билан ҳамохангдир.

Ўзбекистон Президентининг ташаббуслари мамлакатимиз томонидан 2019 йилдаги сайлов жараёнида эълон қилинган “БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига 2021–2023 йилларда тақдим этиладиган Ихтиёрий мажбуриятлар ва ваъдалар” бевосита амалиётга татбиқ этилаётганидан далолатдир. Бинобарин, Ўзбекистон тақдим этган “Ихтиёрий мажбуриятлар ва ваъдалар”да мамлакатда инсон ҳуқуқлари соҳасида эришилган

йотуқлар ва амалга оширилаётган ислохотлар билан бирга, бу борада келгусида бажариладиган вазифалар ҳам ўз аксини топганди.

Давлатимиз раҳбари Женевадаги чиқишида халқаро, минтақавий ва миллий доираларда Ўзбекистоннинг истиқболдаги мажбуриятлари ва режалари ҳақида батафсил баёнот берди.

Ушбу мажбуриятлар 2030 йилгача бўлган даврда БМТ Глобал кун тартиби доирасида амалга ошириши таъкидланди. Шу билан бирга, инсон ҳуқуқлари борасида ҳали улкан йўлнинг бошида турганимизга эътибор қаратилди.

Шуни аълоҳида таъкидлаш керакки, бугунги кунда “Ихтиёрий мажбуриятлар ва ваъдалар” доирасидаги вазифаларни бажаришга алақачон киришилган. Эндиликда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Бошқармаси билан ҳамкорликда глобал форум ўтказиш, шунингдек ушбу соҳада ўқитиш тизимини ривожлантириш мақсадида БМТнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Ихтиёрий бадаллар жамғармасига Ўзбекистон томонидан муносиб ҳисса қўшиш таклифларининг амалга оширилиши бу борадаги фаолиятимизни янги босқичга кўтарди.

Президентимиз бу йил БМТнинг Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тарбия тўғрисидаги декларацияси қабул қилинганининг 10 йиллиги кенг нишонланишини алоҳида таъкидлагани бежиз эмас. Бугунги кунда БМТга аъзо 20 дан ортиқ давлатда инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим бўйича Миллий ҳаракатлар дастурлари қабул қилинган. Бу инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим масаласига эътибор изчил кучайиб бораётганини кўрсатади.

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тарбия тўғрисидаги декларацияси қоидаларини амалга ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий ҳаракатлар дастури парламент томонидан тасдиқланган. Бу борада ишлаб чиқилган “Йўл харитаси”даги тадбирлар тизимли равишда бажарилмоқда.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси доирасида таълим муассасаларида “Инсон ҳуқуқлари”, “Аёллар ҳуқуқлари” ва “Бола ҳуқуқлари” бўйича ўқув курсларини, шунингдек “Инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳуқуқ” мутахассислиги бўйича қўшма магистратура йўналишини (консорций) жорий қилиш борасидаги амалий ишлар давом этмоқда.

Бундан ташқари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ҳузурида “Инсон ҳуқуқлари бўйича фан доктори (DSc)” ва “Инсон ҳуқуқлари бўйича фалсафа доктори (PhD)” илмий даражаларини олиш учун илмий кенгаш очилди. Инсон ҳуқуқларига риоя этиш ва уни ҳимоя қилиш соҳасида кадрлар малакасини ошириш бўйича ўқув курслари фаолияти йўлга қўйилди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан халқаро ва миллий ҳамкорлар билан бирга-лиқда “Инсон қадр-қиммати – энг олий қадрият” махсус ўқув мо-

дули ишлаб чиқилиб, 500 дан ортиқ судья ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг раҳбар ходимлари ўқитилди. Ўқув жараёнига Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада ҳавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти етакчи экспертлари жалб қилиниб, қарийб 40 та онлайн вебинар ташкил қилинди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “Ўзбекистон Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш аъзоси сифатида халқаро ҳуқуқнинг инсон ҳуқуқларига оид умум эътироф этилган принцип ва нормаларини қатъий ҳимоя қилади ва фаол илгари суради”.

БМТ Бош қотиби Антониу Гутерриш таъбири билан айтганда, “Инсон ҳуқуқлари бизнинг умидимиз, улар зиддиятларни ҳал қилишда ва мустаҳкам тинчликни ўрнатишда ёрдам беради. Инсон ҳуқуқлари ҳамма учун кадр-қиммат ва имконият дунёсини барпо этиш учун асос бўлиб, улар ҳар қуни синовдан ўтказилади”.

Хулоса ўрнида шунитаъкидлаш жоизки, Президентимиз томонидан БМТнинг Инсон ҳуқуқлари кенгашида илгари сурилган янги ташаббуслар барчамизга масъулиятли вазифаларни юкламоқда.

ДИЛЬНОЗА МУРАТОВА,

заместитель директора Национального центра
Республики Узбекистан по правам человека

Принципиальная позиция Узбекистана – приверженность полному достижению национальных и международных стандартов в области прав человека

22 февраля 2021 г. в г. Женева открылся Сегмент высокого уровня 46-ой сессии Совета Организации Объединенных Наций по правам человека.

Сегмент высокого уровня является главным ежегодным политическим мероприятием СПЧ и создан в качестве механизма согласования и выработки общих и взаимоприемлемых позиций стран-членов ООН по вопросам поощрения и защиты прав и свобод человека.

Ежегодно заседания СВУ посещают делегации из числа глав государств и правительств, министров иностранных дел, юстиции, а также руководителей ряда международных и региональных организаций.

Впервые в истории нового Узбекистана с докладом на сессии Совета ООН по правам человека выступил Президент Республики Узбекистан Ш.М. Мирзиёев.

В ходе выступления глава нашего государства поделился важнейшими достижениями Республики Узбекистан в сфере прав человека: реализация национальных Целей устойчивого развития в соответствии с принципом «Никого не оставлять позади», реа-

лизации Национальной стратегии по правам человека, основных направлениях гендерной политики Узбекистана, мерах по обеспечению прав уязвимых слоев населения – инвалидов, молодежи, искоренении принудительного и детского труда, сокращение числа лиц без гражданства, предупреждение пыток.

В рамках выступления Ш.М. Мирзиёева заявлена принципиальная позиция Узбекистана – приверженность полному достижению национальных и международных стандартов в области прав человека.

С учетом членства Республики Узбекистан в Совете ООН по правам человека в выступлении Президента Республики Узбекистан содержалась оценка положения дел в международном сотрудничестве по вопросам прав человека, а также определены приоритеты Республики Узбекистан в качестве члена Совета, в частности:

- продвижение основных прав и свобод человека;
- защита прав молодежи, учреждение института Специального докладчика по правам молодежи, принятие Международной Конвенции о правах молодежи;
- разработка универсальных принципов деятельности судебных советов.
- создание механизма по обеспечению прав человека в Азиатском регионе на основе постоянно действующей площадки – Самаркандского форума по правам человека;
- проведение под эгидой ООН Всемирной конференции по правам молодежи;
- организация совместно с УВПКЧ ООН Глобального форума, посвященного 10-летию Декларации по образованию в области прав человека;
- внесение вклада в Фонд добровольных взносов ООН в области прав человека.

В качестве практических шагов по выполнению рекомендаций уставных и договорных органов ООН главой государства были озвучены решения о присоединении Узбекистана к Конвенции ООН о правах инвалидов, Факультативному протоколу к Конвенции ООН против пыток, принятии Закона о детском Омбудсмане, принятии мер по предупреждению пыток, сокращению числа лиц без гражданства, развитию институтов гражданского общества и СМИ.

Говоря о поддержке усилий ООН в области устойчивого развития Президент подчеркнул о намерении Узбекистана как члена Совета ООН по правам человека защищать и активно продвигать общепризнанные принципы и нормы международного права по правам человека. В этих целях Узбекистан намерен пригласить Верховного комиссара ООН по правам человека, направить постоянное приглашение всем мандатариям, а также пригласить Специального докладчика по пыткам посетить Узбекистан.

Указанные инициативы главы нашего государства, озвученные в ходе высокого политического мероприятия главного правозащитного органа ООН, еще раз подтверждают приверженность Узбекистана своим международным обязательствам.

В ходе Сегмента высокого уровня выступили Генеральный секретарь ООН Антониу Гуттериш, Верховный комиссар ООН по правам человека Мишель Бачелет, главы государств и министры из более чем 55 стран, а также руководители международных организаций.

Совет ООН по правам человека, являясь межправительственным органом в системе Организации Объединенных Наций, призван содействовать всеобщему уважению и защите всех прав человека по всему миру и рассматривать ситуации, связанные с нарушением прав человека, а также подготовку соответствующих рекомендаций.

ҒУЛОМ МИРЗО,

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист

Ўзбекистон БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини ратификация қилади

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2021 йил 22 февраль куни Женева шаҳрида ўз ишини бошлаган БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши 46-сессиясининг Юқори даражадаги сегментида сўзлаган нутқида, жумладан, алоҳида эътиёжга эга бўлган шахслар ҳуқуқларини таъминлашга жиддий эътибор қаратилиши ҳақида сўз юритди. Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Парламенти БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини ратификация қилиши кутилаётганини алоҳида таъкидлади.

БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 2006 йил 3 декабрда қабул қилинган ва 2008 йил 3 майда кучга кирган. Бугунги кунда БМТга аъзо 193 давлатнинг 180 таси, жумладан, МДХ маконидаги Арманистон, Беларусь, Грузия, Озарбайжон, Молдова, Россия, Украина, Қирғизистон ва Қозоғистон каби мамлакатлар ушбу халқаро шартномани ратификация қилган.

Ўзбекистон 2009 йил 27 февралда Конвенцияни имзолаган. Бу халқаро ҳужжат қоидалари мамлакатимизда мажбурий кучга кириши учун уни ратификация қилиш тақозо этилади.

Кейинги даврда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан бу борада изчил ишлар амалга оширилди. Хусусан, Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни ратификация қилишга тайёргарлик бўйича чора-тадбирлар мажмуи ишлаб чиқилди ва унда белгиланган вазифалар ҳозирги кунда тўла бажарилган.

Хусусан, 2020 йил 4 декабрь куни пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси томонидан БМТ Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясининг ратификация қилиниши масаласи бўйича жамоатчилик эшитуви ўтказилгани ана шундай чора-тадбирлардан биридир. Мазкур тадбир Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан Ўзбекистон Ногиронлар уюшмаси, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Бошқармасининг Марказий Осиё бўйича минтақавий бўлими ва ЕХХТнинг Ўзбекистондаги Лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Жамоатчилик эшитуvidан мақсад – ногиронлиги бўлган шахсларнинг БМТ Конвенциясида мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқларидан кенг жамоатчилик хабардорлигини оширишдан иборат. Шу билан бирга, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва барқарор ривожланишни рағбатлантириш борасида ушбу халқаро ҳужжатнинг аҳамиятига эътибор қаратилди.

1992 йилдан буён ҳар йили 3 декабрда бутун дунёда нишонланадиган муҳим сана – Халқаро ногиронлар кунига бағишланган ушбу тадбирда ногиронлиги бўлган шахслар инклюзив, адолатли ва барқарор ривожланиш неъматларидан тўла баҳра олиши учун уларнинг ҳуқуқ ҳамда имкониятларини кенгайтириш мавзуси атрофича муҳофама қилинди.

Жамоатчилик эшитуvi доирасида БМТ Ногиронлар ҳуқуқлари бўйича қўмитаси аъзоси профессор Маркус Шефер билан учрашув бўлиб ўтди. Профессор М.Шефер ушбу тадбирга таклиф этилгани учун миннатдорлик билдириб, келгусида ҳам ногиронлар ҳуқуқларига доир масалалар, жумладан, Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция қоидаларини ўқитишни ташкил этиш бўйича ҳамкорликка тайёр эканини қайд этди.

Маълумки, сайёрамиз аҳолисининг салкам 15 фоизини ногиронлиги бўлган шахслар ташкил этади. Расмий манбаларга кўра, Ўзбекистонда 780 минг нафардан ортиқ ногиронлиги бўлган кишилар яшайди.

Мамлакатимизда ногиронлиги бўлган шахслар, ёшлар, аёллар ва кексаларни ижтимоий ҳимоя қилиш инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади. Кейинги йилларда бу борада Тиббий-ижтимоий хизматлар агентлиги, Ногиронлиги бўлган инсонларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилганини қайд этиш лозим.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Конституциямизнинг IX боби фуқароларнинг ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқларини кафолатлайди. Асосий Қонунимизнинг 14-моддасига биноан, давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади. Фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш давлат фаолиятининг асосий мезонларидандир.

Мамлакатимизда ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида имконияти чекланган шахсларга Ўзбекистон Республикаси Конституциясида назарда тутилган шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ҳуқуқ ва эркинликларни амалга оширишда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормалари, шунингдек Ўзбекистоннинг халқаро шартномаларига мувофиқ бошқа фуқаролар билан тенг имкониятлар таъминланмоқда.

Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини жамият ҳаётининг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳаларида ҳимоя қилиш асосида қандай вазият бўлиши, шу жумладан, ногиронлиги борлигидан қатъи назар, инсонни камситмаслик принципи ётади.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш доирасида ногиронларнинг ижтимоий ҳимояси ва тенглигини кафолатлайдиган бир қатор қонунлар қабул қилинди. Хусусан, 2020 йил 15 октябрда қабул қилинган “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида” ги Қонун ногиронларнинг ҳуқуқларини белгилайдиган асосий қонунчилик ҳужжати ҳисобланади.

Ушбу Қонуннинг қабул қилиниши:

биринчидан, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида замонавий усуллар ва халқаро стандартларни жорий этишга;

иккинчидан, Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг асосий қоидаларини миллий қонунчиликка уйғунлаштиришга;

учинчидан, Барқарор ривожланиш мақсадларининг “ҳеч кимни эътибордан четда қолдирмаслик” тамойилини амалга оширишга ёрдам беради.

Маълумки, Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларини ва бу ҳуқуқлардан бошқалар билан тенг равишда фойдаланиш имкониятларини кафолатлаш тамойиллари белгилаб қўйилган.

Конвенцияда ногиронлиги бўлган шахсларнинг таълим олиш, саломатликни сақлаш, бошқалар билан тенг равишда меҳнат қилиш, сиёсий, ижтимоий, маданий ҳаётда, дам олиш ва спорт билан шугулланишда иштирок этиш, ўзлари ва оиласи учун етарлича турмуш шароитига эга бўлиш, ижтимоий ёрдам ҳуқуқлари эътироф этилган, шу билан бирга, уларни амалга оширишнинг ҳуқуқий кафолатлари мустаҳкамланган.

Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциядаги асосий қоида ва меъёрлар “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги Қонунда ўз аксини топган. Янги Қонун орқали ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини амалга ошириш бўйича мутлақо янги тизим яратилмоқда.

Яна бир муҳим жиҳат: БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясида Брайл алифбосига универсал тизим сифатида алоҳида эътибор қаратилган. Бинобарин, бу махсус ёзув тизими кўзи ожиз ва кўриш билан боғлиқ муаммолари бўлган шахслар учун таълим олиш, сўз ва фикрни ифода этиш эркинлигидан фойдаланиш, ахборот олиш ҳуқуқини амалга ошириш, шунингдек жамиятга интеграциялашиш соҳаларида ниҳоятда муҳим роль ўйнайди.

Бугунги кунда дунёда 2 миллиард 200 миллион нафар атрофидаги инсонлар кўриш, яъни кўз ожизлиги билан боғлиқ муаммоларга эга. Бундай шахслар учун Брайл алифбосидаги ахборотлар кундалик ҳаётда “дунёга дарича” очса, пандемия шароитида уларнинг соғлиги, ҳаттоки ҳаётини сақлаш воситаси ҳам ҳисобланади.

Шу ўринда мамлакатимизда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегия доирасида:

– Ўзбекистон Республикаси Конституцияси;

– “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни;

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ЕХХТнинг Ўзбекистондаги Лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси билан ҳамкорликда амалга оширган бу эзгу иш кенг жамоатчилик – ҳам хорижий ва халқаро ҳамкорларимиз, ҳам юртдошларимизнинг эътиборига тушди. Буни, авваламбор, миллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари айни мавзуда эълон қилинган кўп сонли хабарлар яққол тасдиқлайди.

Жумладан, ЎЗА хабарида қайд этилганидек, жорий йил 19 февраль куни ушбу нашрларнинг тақдиротида онлайн тарзда иштирок этган ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг демократлаштириш департаменти бошлиғи вазифасини бажарувчи Меган Фицджералд хоним Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари соҳасида амалга оширилаётган ишларга юксак баҳо берди.

ЕХХТ вакилининг фикрича, мамлакатда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ўз имкониятларини юзага чиқариши давлат ва жамият томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Бундай шахсларнинг мамлакат тараққиёти йўлида барча билан тенг меҳнат қилиши, иқтидори ва салоҳиятини намоён этиши учун зарур шарт-шароитлар мавжуд.

Миллий марказга келаётган мурожаатларнинг айримларида ҳам шу мавзуда сўз боради. Хусусан, Бухоро вилояти Вобкент ту-

манида яшайдиган Мухлис Очиловнинг миннатдорчилик хатида шундай дил сўзлари акс этган: “Биз, умр йўлдошим билан ўғлимизнинг таклифини инобатга олиб Брайл алифбосида китоб чоп этганингиз учун миннатдормиз. Бу билан бизнинг ҳаётимизга ишонч ва қатъият олиб кирдингиз, ўғлим ҳам, биз ва барча яқинларимиз ҳам бундай яхшиликдан севиндик”.

Брайл алифбосида чоп этилган янги нашрлар ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ва амалга оширишда жуда қўл келади, деб ишонамиз. Нега деганда, ушбу китоблар саҳифаларидан жой олган ҳуқуқ нормалари ногиронлиги бўлган шахслар учун мамлакат ҳаётининг барча жабҳаларида камситилмасдан, жамиятнинг бошқа аъзолари билан тенг равишда иштирок этишда катта имкониятлар яратади.

Хулоса қилиб айтганда, айна соҳада амалга оширилган барча саъй-ҳаракатлар мамлакатимизда БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини ратификация қилишга катта тайёргарлик кўрилганининг ўзига хос исботидир. Ўз навбатида, мазкур халқаро-ҳуқуқий ҳужжатнинг ратификация қилиниши унинг қоидаларини қабул қилган давлат зиммасидаги масъулиятни янада оширишини ҳам унутмаслик даркор.

Шу маънода, юртимизда Конвенциянинг қатор нормалари акс этган “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги Қонун ижроси юзасидан парламент ва депутатлик назоратини изчил йўл қўйишга эътибор қаратилаётгани айна муддаодир.

ЭРКИН ЭРНАЗАРОВ,

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Ошкоралик ва сўз эркинлиги – давр ва ислохотлар талаби

Янги Ўзбекистонни бунёд этиш, мамлакатимизда янги Ренессанс пойдеворини шакллантириш инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган кенг ва чуқур демократик ислохотларга асосланади. Бу Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясидаги нутқида алоҳида қайд этилди.

Сўнгги йилларда суд-ҳуқуқ соҳасини янада демократлаштириш, қонун олдида тенгликни таъминлаш, жамиятимизда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий стратегияси қабул қилинди ва амалга оширилмоқда.

Миллий стратегияда Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги халқаро рейтинглар ва индекслар – қо-

нун устуворлиги, норма ижодкорлиги сифати, ҳукумат фаолияти самарадорлиги, сўз ва ахборот эркинлиги, жинойатчилик ва коррупцияга қарши кураш, бизнесни олиб бориш шарт-шароитлари, глобал рақобатбардошлик, инновацион ривожланиш бўйича дунёдаги 50 та етакчи мамлакатлар қаторига киришини таъминлаш бўйича муҳим вазифа қўйилган.

Давлатимиз раҳбари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясидаги нутқида «Биз эришган натижаларимиз билан кифояланиб қолмасдан, Ўзбекистонда сўз эркинлигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни қатъий мақсад қилганмиз», деб қайд этди.

Айнан инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган изчил ислохотлар, мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли демократик ислохотлар туфайли Ўзбекистон 2020 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига аъзо бўлди, АҚШ Давлат департаменти эса, республикаимизни диний эркинликлар соҳасида «алоҳида кузатувдаги» мамлакатлар рўйхатидан чиқарди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Очiq маълумотлар рейтингда 125 та позицияга кўтарилган ҳолда, 44-ўринни эгаллади. Ислохотларимизнинг яна бир халқаро эътирофи – Иқтисодий эркинлик индексида мамлакатимиз 26 та позиция юқорига кўтарилди.

Таниқли сиёсий арбоб, АҚШ асосчиларидан бири, Америка Мустақиллик декларациясининг ҳаммуаллифи Томас Жефферсон «Бизнинг эркинлигимиз матбуот эркинлигига боғлиқ, агарда матбуот эркинлиги чекланса, бу йўқотиш демакдир», деб қайд этган эди.

Президентимизнинг журналистларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши самарасида, оммавий ахборот воситалари мамлакатимизда юз бераётган кенг қўламли ислохотларни ҳолис ёритиш билан бир қаторда ҳукумат идоралари ва жамоатчилик эътиборини жойлардаги долзарб муаммоларга жалб қилмоқда ва барча даражадаги раҳбарларни ушбу муаммоларни хал қилишга ундашмоқда. Бугунги кунда улар тобора «тўртинчи ҳокимият»га айланмоқда.

Оммавий ахборот воситалари қабул қилинаётган ҳужжатлар ижроси устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда тобора фаол иштирок этишмоқда. Хусусан, бу жараёнга ОАВ ни жалб қилган ҳолда, жамоатчилик эшитувлари ва жамоатчилик мониторинги тизими жорий этилмоқда. Демократик ислохотлар самарасида, матбуот ва электрон оммавий ахборот воситалари мансабдор шахсларни ўз ишини қонун доирасида амалга оширишга ундамоқда.

Матбуот, телевидение, радио инсонларнинг юз бераётган воқеаларга нисбатан муносабатлари, ўз позициялари, фикрлари ва ғоялари эркин ифодалаш учун жамоатчилик минбарини ша-

клантиришмоқда. Ҳозирги кунда ҳар бир давлат органи ҳузурида жамоатчиликка тўла ва ҳолис маълумотни етказиш мақсадида матбуот-хизмати ташкил этилган.

Интернетнинг кенг имкониятларга эга эканлигини ҳисобга олиб, медиа соҳада ахборот-коммуникация технологиялари, онлайн-журналистикани ривожлантиришга тобора катта аҳамият қаратилмоқда. Бу, айниқса, коронавирус пандемияси шароитида кўп сезилди. Онлайн-журналистика ўз позицияларини сифатли ва сон жиҳатдан салмоқли яхшиламоқда. Ахборот тақдим этишдаги тезкорлик – унинг муҳим афзаллиги саналади.

Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларининг ўзига хос жиҳати уларнинг ахборотларни мамлакатимизда истиқомат қиладиган миллатлар ва халқлар учун етти тилда ёритилиши ва чоп этилишидир.

Ҳолис журналистлар ва блогерларнинг одил танқиди “эскича” ишлаётган раҳбарларга иш услубларини ўзгартириш ва ўз масъулиятларини оширишга мажбур қилган ҳолда, уларнинг хато ва камчиликларини кўрсатиб бермоқда.

Сўнгги йилларда амалга оширилган ислоҳотлар мамлакатимизнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва таъминлаш сиёсатига қатъий содиқлигидан далолатдир. Давлатимиз раҳбари қайд этганидек, Ўзбекистон Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши аъзоси сифатида халқаро ҳуқуқнинг инсон ҳуқуқларига оид умумэтироф этилган принцип ва нормаларини қатъий ҳимоя қилади ва фаол илгари суради.

ОТАБЕК НОРБОЕВ,

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси

Миллий марказининг бўлим бошлиғи

Судлар адолат қўрғони бўлмоғи лозим

Президентимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясида сўзлаган нутқида, БМТнинг дин ёки этник эркинлиги, судьялар ва адвокатлар мустақиллиги масалалари бўйича махсус маърузачиларининг тавсиялари Ўзбекистонда алоҳида эътиборга олинганлигини маълум қилиб, Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашга Судьялар кенгашлари фаолиятининг универсал принципларини ишлаб чиқиш масаласини кўриб чиқишни таклиф этдилар.

Маълумки, мамлакатимизда судлар фаолиятини ислоҳ қилиш борасида изчил ишлар олиб борилмоқда. Кейинги пайтларда бу йўналишда кўплаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди ва ижрога қаратилди.

Жорий йилнинг январь ойида суд қарорларини қайта кўриш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон

Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига, Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексига, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексига, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига суд қарорларини қайта кўриш институтини такомиллаштиришни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

2021 йилнинг 13 январидан суд қарорлари устидан назорат тартибида шикоят бериш институти тугатилди, суд қарорлари устидан апелляция ва кассация тартибида шикоят беришнинг амалдаги тартиби тубдан ўзгартирилди, апелляция ва кассация инстанцияси судлари ваколатлари кенгайтирилди, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколати маъмурий судлардан жиноят ишлари бўйича судларга ўтказилди.

Суд-ҳуқуқ изоҳотлари ҳақида сўз борганда, албатта Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 июндаги ПФ-6012 сон Фармони билан тасдиқланган Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини ва шу асосда ишлаб чиқилган “Йўл харитаси” ҳақида тўхталиш зарурдир.

Мазкур ҳужжатларда, жумладан, суд-ҳуқуқ тизимини янада ривожлантиришга тааллуқли бир нечта чора-тадбирлар ҳам ўз аксини топган.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ушбу соҳада қисқа муддатда амалга оширилган тарихий демократик ислоҳотлар юртимизни халқаро майдондаги нуфузи ва обрў-эътиборини таоман янги босқичга олиб чиққанини алоҳида эътироф этиш жоиз.

Шунингдек, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг Судьялар ва адвокатлар мустақиллигини таъминлаш бўйича махсус маърузачиси Диего Гарсия-Саян томонидан Ўзбекистонга 2019 йилги ташрифи якунлари бўйича маърузаси доирасида эълон қилинган ижобий фикрлар ва далиллар ҳам бу борадаги саъй-ҳаракатларнинг ўзига хос эътирофи бўлди.

Мамлакатимизнинг инсон ҳуқуқлари бўйича 80 дан ортиқ халқаро ҳужжатга, жумладан, БМТнинг 6 та асосий шартномаси ва 4 та факультатив протокоliga қўшилгани соҳа ривожига муҳим аҳамият касб этмоқда.

Халқаро шартномавий мажбуриятларни бажариш юзасидан инсон ҳуқуқларига оид миллий қонунчилик базаси изчил такомиллаштирилмоқда. Буни кейинги бир йил давомида 70 дан ортиқ қонун, 350 дан зиёд Президент фармон ва қарорлари қабул қилингани билан ҳам тасдиқлайди.

Айниқса, сиёсий-ҳуқуқий нуктаи назардан ёндашганда, узоқ муддатга мўлжалланган ушбу Миллий стратегия Ўзбекистоннинг 30 йиллик мустақил демократик тараққиёти даврида инсон

ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва суд-ҳуқуқ ислоҳотларини чуқурлаштириш йўлида мамлакатимиз ҳаётидаги энг муҳим тарихий қадам бўлди десак ҳеч муболаға бўлмайди.

Судларда ишларни кўриб чиқишда адолатни, очиқлик ва шаффофликни таъминлаш учун «Электрон одил судлов» тизими жорий этилди.

Мамлакатда инсон ҳуқуқлари соҳасида амалдаги ҳолатни ўрганиш натижалари, шунингдек, БМТнинг шартномавий органлари, Ўзбекистонга ташриф буюрган БМТнинг махсус маърузачилари, Универсал даврий ҳисобот ва бошқа халқаро механизмлар доирасида берилган тавсияларнинг тизимли таҳлилига кўра, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида соҳада демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва изчил давом эттириш лозимлигини талаб қилмоқда.

Шу ўринда, судлар томонидан инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда, хусусан, асоссиз жиноий жавобгарликка тортилган шахсларга нисбатан оқлов ҳукмлари чиқарилиши борасидаги фаолиятига эътибор қаратиш керак.

Таҳлилларга қарасак, кейинги 4 йил ичида судлар томонидан 2770 нафар шахсларга нисбатан оқлов ҳукмлари чиқарилганини кўриш мумкин.

Судларнинг мустақиллигини ва холислигини таъминлаш мақсадида судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини шакллантириш ҳамда «Хабас корпус» институтини янада такомиллаштириш йўли билан инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашда суд ҳокимиятининг ролини ошириш;

суд жараёнларида тенглик ва тортишув тамойилларини тўлиқ жорий қилиш, адвокатурани мустақил, ишончли ҳуқуқни ҳимоя қилувчи институтга айлантириш, малакавий юридик ёрдам сифатини ҳамда адвокат касбининг нуфузини ошириш, инсон ҳуқуқлари соҳасида ихтисослашган ҳуқуқшуносларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш каби устувор вазифалар Миллий стратегияни амалга оширишнинг асосий йўналишлари сифатида белгиланган.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий стратегия ва “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” Давлат дастурида белгилаб берилган вазифалар тўлиқ ва сифатли амалга оширилса, мамлакатимизда судьялар ва адвокатларнинг мустақиллигини таъминлашга қаратилган ютуқларга эришган бўламиз. Бунга албатта Юртбошимиз томонидан олиб борилаётган кучли, демократик сиёсат ва донишманд халқимизнинг иштирокида эришамиз.

БАКАЕВА ФАРИДА,

начальник отдела анализа и исследований в области
прав человека Национального центра Республики
Узбекистан по правам человека

Новый импульс для продолжения масштабной работы в сфере прав и свобод человека в год 30-летия государственной независимости в Узбекистане

В 2021 году Узбекистан празднует 30-летие своей независимости. За этот короткий исторический срок наша страна добилась серьёзных успехов в обеспечении и соблюдении прав человека, построении демократического правового государства.

Разработана собственная модель внедрения в законодательство и практику международных стандартов прав человека, которые закреплены в более 80 международных документах, ратифицированных парламентом.

Ежегодно принимаются законы и программные документы, направленные на усиление гарантий прав всех категорий граждан независимо от их пола, расы, языка, цвета кожи, религиозной и национальной принадлежности, социального и иного положения. В 2020 году, не смотря на кризис, вызванный пандемией коронавируса. Узбекистан продолжил глубокие преобразования направленные на улучшение ситуации в сфере реализации социально-экономических и иных прав граждан, приняты законы «О гражданстве Республики Узбекистан» в новой редакции, «О правах лиц с инвалидностью», «О занятости» в новой редакции, «О профилактике и лечении наркотических заболеваний». Большое значение имеет утвержденная Президентом Национальная стратегия Республики Узбекистан по правам человека и «Дорожная карта» по ее реализации, на основе которых разработан проект закона «О равенстве и недопущении дискриминации», усовершенствован закон «Об общественном контроле», создан институт Уполномоченного по правам ребенка, Агентство по делам молодежи, Агентство по противодействию коррупции, новое Министерство по делам махалли и семьи, Общественная палата при Президенте, Парламентская Комиссия по выполнению международных обязательств Узбекистана по правам человека.

Новый импульс активации государственной политики нашей страны будет несомненно дан благодаря тому, что в октябре 2020 г. Узбекистан стал членом Совета ООН по правам человека, и 22 февраля с.г. Президент выступил на 46 сессии данной международной организации с подробной информацией о приоритетных направлениях деятельности в сфере прав человека и предложениями, направленными на углубление международного сотрудничества в данной сфере. Инициативы, выдвинутые Президен-

том Республики Узбекистан, получили широкую поддержку со стороны международного сообщества и граждан Республики Узбекистан.

ОЙБЕК АХМАДОВ,

помощник директора Национального центра
Республики Узбекистан по правам человека

Новый Узбекистан:

фокусировка на защиту прав человека в мире

Узбекистан придает огромное значение взаимодействию с ООН как одному из приоритетных направлений внешней политики нашей страны.

2 марта 1992 года было положено начало плодотворного и многопланового партнерства Узбекистана с ООН. Наше государство верно целям и принципам Устава ООН, Всеобщей декларации прав человека и другим основным международным договорам и неукоснительно выполняет принятые на себя международные обязательства.

Узбекистан, являясь полноправным и полноценным членом ООН, особенно в последние годы демонстрирует свою твердую приверженность принципу равенства, сотрудничества, многосторонности и защиты международной политической системы. В последние годы активно выступает инициатором представлений мирного урегулирования международных конфликтов, недопущения новых глобальных вооруженных столкновений, налаживания сотрудничества между странами, глобального диалога, глобальных действий и защиты прав человека во всем мире.

Республика активно участвует в деятельности организации и ряда ее специализированных структур. Постоянные представительства Узбекистана при ООН действуют в Нью-Йорке (США), при Отделении ООН и других международных организациях в Женеве (Швейцария) и при Отделении ООН в Вене (Австрия).

За последние годы наряду с Генеральным секретарем ООН Антониу Гутерришем Узбекистан посетили Верховный комиссар ООН по правам человека Зейд Раад аль-Хусейн, Специальный докладчик по вопросу о свободе религии или убеждений Ахмед Шахид и Специальный докладчик по вопросу о независимости судей и адвокатов Диего Гарсия-Саян. Наше государство осуществило широкомасштабное внедрение международных стандартов в области прав человека в жизнь общества, сознание граждан и госслужащих.

Международное сообщество дало положительную оценку проведенным в республике мероприятиям, направленным на разработку национальных индикаторов по Целям устойчивого

развития ООН. Узбекистан в сотрудничестве с Управлением Верховного комиссара ООН по правам человека в числе немногих стран подготовил и представил свой основной базовый документ в области прав человека, который в настоящее время используется в качестве руководства всеми правозащитными структурами ООН.

Утвержден и План действий – «дорожная карта» по развитию сотрудничества с организацией и ее специализированными учреждениями, охватившая 17 направлений. В него также включены внешнеполитические инициативы главы нашего государства, предложения по обеспечению региональной безопасности и устойчивости. Вместе с тем выдвинуты мнения по достижению экономической устойчивости в нынешних условиях. Предусматривается реализация новых программ в сферах социальной защиты, здравоохранения и образования.

В рамках 72-й сессии Генеральной Ассамблеи ООН в сентябре 2017 года глава нашего государства выдвинул важные международные инициативы, среди которых – организация постоянно действующего Самаркандского форума по правам человека и разработка Международной конвенции о правах молодежи ООН.

22–23 ноября 2018 года в Самарканде состоялся Азиатский форум «Итоги 70-летия Всеобщей декларации прав человека: вызовы времени и реальность», в котором участвовали представители около 20 международных организаций и эксперты более чем из 30 стран мира. Тогда же была принята Самаркандская декларация по правам человека, уже 6 февраля 2019 года утвержденная Генеральной Ассамблеей ООН в качестве официального документа 73-й сессии.

12–13 августа 2020 года прошел Самаркандский веб-форум «Молодежь–2020: глобальная солидарность, устойчивое развитие и права человека». В качестве официального документа ООН принята одноименная Самаркандская резолюция.

По инициативе руководства Узбекистана в рамках Генеральной Ассамблеи ООН были разработаны и приняты три резолюции. В частности, 12 декабря 2018 года Генеральная Ассамблея ООН приняла специальную резолюцию «Просвещение и религиозная толерантность». Документ, проект которого разработан Узбекистаном и принят за рекордно короткие сроки, единогласно поддержан всеми государствами-членами ООН. Соавтором документа стали свыше 50 стран Северной и Латинской Америки, Азии, Африки и других континентов, что свидетельствует о высоком признании международным сообществом актуальности и своевременности инициативы главы Узбекистана Шавката Мирзиёева.

В рамках участия Президента Шавката Мирзиёева на 75-й сессии Генеральной Ассамблеи ООН главой государства был предло-

жен ряд инициатив по углублению сотрудничества Узбекистана с ООН, в том числе следующие предложения в сфере прав человека:

- разработать под эгидой ООН Международный кодекс о добровольных обязательствах государств в период пандемии;
- принять специальную резолюцию Генеральной Ассамблеи ООН о повышении роли парламентов в достижении Целей устойчивого развития (ЦУР) и обеспечении прав человека.

Впервые в истории суверенной страны принята Национальная стратегия Республики Узбекистан по правам человека и «дорожная карта», предусматривающая реализацию 78 конкретных мер. Ее цель – определение основных задач и направлений осуществления последовательно проводимой государственной политики Узбекистана по обеспечению прав и свобод человека, а также обеспечение вхождения республики в число 50 переломных стран мира по международным рейтингам и индексам в сфере прав и свобод человека (верховенство закона, качество нормотворчества, эффективность деятельности правительства, свобода слова и информации, противодействие преступности и коррупции, условия ведения бизнеса, глобальная конкурентоспособность, инновационное развитие и другие).

Значительно укреплены соответствующие национальные институты: Национальный центр Республики Узбекистан по правам человека, институт омбудсмана при парламенте, вновь созданы институты детского и бизнес-омбудсмана. В то же время в стране совершенствуется законодательство с учетом приоритетных направлений социально-экономического развития, общепризнанных международных стандартов и обязательств в области прав человека, а также рекомендаций уставных органов и договорных комитетов ООН.

Узбекистан является одним из членов-основателей Совета ООН по правам человека (СПЧ). Республика участвовала в переговорах и утверждении комплекса мер по институциональному строительству важнейшего глобального правозащитного механизма и в настоящее время поддерживает усилия, направленные на его дальнейшее укрепление. И в качестве свидетельства приверженности поощрению и защите прав человека наше государство в соответствии с внутренним демократическим процессом приняло решение выдвинуться в СПЧ. В связи с этим Национальным центром Республики Узбекистан по правам человека подготовлен проект «Добровольных обязательств и обещаний».

Документ составлен в соответствии с резолюцией Генеральной Ассамблеи ООН, учредившей СПЧ, и содержит краткую информацию о вкладе Узбекистана в поощрение и защиту прав человека, а также добровольных обязательствах в области прав человека. В соответствии с установленными процедурами при выборе членов Совета ООН по правам человека принимаются во

внимание вклад государств-кандидатов в общее дело и сделанные ими с этой целью объявления.

На выборах, которые состоялись в Нью-Йорке 13 октября 2020 года, делегаты Генеральной Ассамблеи ООН избрали 15 новых членов СПЧ на трехлетний срок, начиная с 1 января 2021 года.

Впервые в истории национальной государственности Узбекистан избран в членство СПЧ: за нашу страну проголосовали 169 стран из 193 государств-членов ООН.

Совет ООН по правам человека, контролируя по всему миру ситуацию в данной области, дает рекомендации главам государств. И каждая страна, входящая в членство этого международного органа, должна быть примером в данном направлении. Узбекистан, удостоенный признания и вошедший в СПЧ, серьезно настроен на ответственное выполнение необходимых обязательств.

22 февраля 2021 года впервые в истории Президент Республики Узбекистан Шавкат Мирзиёев принял участие и выступил с докладом на 46-й сессии Совета ООН по правам человека – наиболее авторитетного межправительственного органа системы ООН, призванного обеспечивать защиту прав человека по всему миру.

Следует также отметить, что впервые на глобальной правозащитной площадке Узбекистан был представлен на самом высоком политическом уровне – в лице Президента нашей страны. С момента создания СПЧ ООН в 2006 году главы лишь 20 государств напрямую обращались к делегатам ежегодных сессий главного правозащитного органа мира, при этом Узбекистан первым среди стран постсоветского пространства воспользовался такой привилегией.

В ходе выступления глава нашего государства подробно остановился на приоритетах углубления демократических преобразований в стране, основных направлениях работы Узбекистана в рамках Совета по правам человека и обозначил новые грани по углублению сотрудничества Узбекистана с ООН в сфере защиты прав и свобод человека и определил ключевые приоритеты Нового Узбекистана в области прав человека, которые охватывают такие сферы, как:

- обеспечение права на здоровье;
- гендерное равенство;
- защита прав лиц с инвалидностью;
- защита прав молодежи;
- образование в области прав человека;
- укрепление независимости судов;
- борьба с пытками;
- развитие регионального сотрудничества в области прав человека.

Президент Ўзбекистана выдвинул ряд важных инициатив глобального, регионального и национального масштаба, которые практически охватывают все механизмы обеспечения прав и законных интересов каждого человека, имеющиеся проблемы и пути их решения.

Таким образом, избрание Узбекистана в Совет – это своеобразное выражение высокого признания мирового сообщества, поддержка реализации новой внешней политики страны, в том числе в сфере дальнейшего всестороннего развития сотрудничества с международными организациями и зарубежными странами.

ЛОБАР РУЗИКУЛОВА,

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси

Миллий марказининг таҳририят-нашриёт бўлими етакчи мутахассиси

Мажбурий меҳнатга барҳам беришда янада мақбул натижаларга эришамиз

Президентимиз Шавкат Мирзиёев БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясидаги нутқида, аввало, Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштиришнинг 7 та устувор йўналиши бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўз юритди.

Ушбу устувор йўналишлардан бири мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатига барҳам беришдир.

Айни пайтда Ўзбекистон болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатнинг барча шаклларига барҳам бериш борасида ташлаган амалий қадамлар ижобий самара бермоқда. Бу борадаги ютуқларимизни халқаро жамоатчилик оламшумул янгилик сифатида баҳоламоқда.

Юртимизда болалар меҳнати ҳамда мажбурий меҳнатга барҳам бериш борасидаги тизимли ишлар туфайли йилдан-йилга муваффақиятга эришилмоқда. Хусусан, 2020 йилда Ўзбекистон ҳукумати Халқаро меҳнат ташкилоти билан биргаликда амалга оширган мониторинглар бўйича ижобий ҳулоса олинган, хорижий бизнес вакиллари иштирокида Ўзбекистонда инвестиция муҳити кенгая бошлаганини кўриш мумкин.

Бу ҳақда фикр юритганда, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 майдаги “Ўзбекистон Республикасида мажбурий меҳнатга барҳам беришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорини алоҳида таъкидлаш лозим. Чунки бу қарор асосида мажбурий меҳнатга нисбатан жавобгарлик тубдан кучайтирилди.

12 июнь – Бутунжаҳон болалар меҳнатига қарши курашиш куни дунёнинг бошқа мамлакатлари қатори Ўзбекистонда ҳам ҳар йили нишонланади. Ушбу кунни белгилаш гоёси 1997 йил

Амстердам ва Ослода бўлиб ўтган конференциялар қарорлари негизда туғилган. 2002 йили Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) томонидан мазкур сана, яъни 12 июнь – Болалар меҳнатига қарши курашиш куни, деб расман эълон қилинган. Ушбу тадбирлар болалар меҳнатини бартараф этиш учун глобал саъй-ҳаракатларни амалга ошириш зарурлигига жамоатчилик эътиборини қаратди.

ХМТ томонидан мажбурий меҳнатга жалб қилинган болалар 3 тоифага ажратилган. Биринчи тоифа – болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари халқаро миқёсда қўллик, болалар савдоси, қўллик меҳнати ва мажбурий меҳнатнинг бошқа шакллари, болаларни қуролли тўқнашувларда, фоҳишабозлик ва порнография мақсадларида, шунингдек, бошқа ноқонуний фаолиятда ишлатиш учун мажбурий ишга олиш.

Иккинчи тоифа – ушбу турдаги ишлар учун белгиланган энг кам ёшга тўлмаган бола (миллий қонунчиликка ва қабул қилинган халқаро нормалар асосида) томонидан бажариладиган меҳнат шу тариқа боланинг таълим олишига ва унинг ҳар томонлама ривожланишига тўсқинлик қилиши мумкин.

Учинчи тоифа – боланинг жисмоний, ақлий ёки ахлоқий фаровонлигини ва ривожланишини хавф остига қўядиган иш ёки унинг характери туфайли ёхуд у амалга ошириладиган шароитлар туфайли “хавfli ва зарарли иш”, деб номланади.

Болалар меҳнати муаммоларини ҳал қилишда жамоатчиликни хабардор қилиш ҳамда сафарбар этиш мақсадида шу кунга қадар кўплаб мамлакатларда давлат ва нодавлат ташкилотлар ҳамда муассасалар томонидан турли тадбирлар ўтказилади. Расмлар кўргазмалари, янги сайтлар тақдимотлари, оммавий акциялар, спорт мусобақалари, болалар байрамлари, спектакллар шулар жумласидандир.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда ҳам болалар меҳнатига қарши курашиш борасида сезиларли ишлар амалга оширилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси, жумладан, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги саъй-ҳаракатлари билан болалар меҳнатига тўлиқ барҳам берилди.

ХМТ билан фаол ҳамкорлик натижасида мазкур халқаро ташкилотнинг “Болалар меҳнатининг энг ёмон шаклларига барҳам бериш ва тақиқлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 182-конвенцияси ратификация қилинган.

2017 йил 4 октябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ва халқаро меҳнат стандартларига мувофиқ фуқароларнинг кафолатланган меҳнат ҳуқуқларини таъминлашга доир чора-тадбирларни кучайтириш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарор билан болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатдан бирон-бир шаклда фойдаланишнинг олдини олиш ва бунга йўл қўймаслик бўйича ушбу йўналишда комплекс ташкилий-амалий чора-тад-

бирларни амалга ошириш назарда тутилган парламент назорати институти жорий этилди.

Шунингдек, кўрилган чора-тадбирлар болалар меҳнатига тўлиқ барҳам бериш ҳамда мажбурий меҳнатнинг олдини олиш ва бунга йўл қўймаслик учун етарли норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш имконини берди. Бу, ўз навбатида, жаҳон ҳамжамияти, хусусан, ХМТ, Жаҳон банки ва Европарламент томонидан юқори баҳоланди.

Шу билан бирга, сўнгги пайтда ҳокимлар томонидан таълим, соғлиқни сақлаш соҳалари ва бошқа бюджет ташкилотлари ходимларини ҳудудларни ободонлаштириш ҳамда қишлоқ хўжалигидаги турли ишларга мажбурий жалб қилиш шаклида меҳнат қонунчилиги нормаларини бузиш билан боғлиқ айрим ҳолатлар кузатилмоқда. Бунда мансабдор шахсларнинг хизмат мавқеини сууистеъмол қилиш ҳолатлари ҳам учрамоқда.

Шунинг учун сўнгги йилларда болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга йўл қўйилганлик учун жавобгарлик чораларини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ҳамда Жиноят кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Жумладан, 2019 йил 28 августдаги Ўзбекистон Республикаси Қонунига кўра, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 51-моддасига киритилган ўзгартиришларга мувофиқ, эндиликда меҳнатга бирон-бир шаклда мажбурлаш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваридан 30 бараваригача, агар бир йил ичида бу ҳол қайта содир этилса, 30 баравардан 100 бараваргача жарима солиниши белгиланди. Шунингдек, оғир шароитларда меҳнат қилиш тақиқини такроран бузганларга нисбатан жиноий жавобгарлик кўзда тутилган.

Хулоса қилиб айтганда, давлатимиз раҳбари Женевадаги чиқишида “Болалар меҳнатига барҳам бериш халқаро йили”, деб эълон қилинган жорий йилда Ўзбекистонда Болалар Омбудсмани тўғрисидаги қонун қабул қилинишига жаҳон ҳамжамияти эътиборини қаратгани тўғрисида таъкидлар экан, бу шуни англатадики, мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатига барҳам беришда қонун асосида қутилган мақбул натижаларга эришамиз.

СЕВАРА ИШМУРАТОВА

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси
Миллий маркази Умумий бўлими бошлиғи

Инсон қадр-қиммати – энг олий қадрият

Мамлакатимизда бугун ҳар бир соҳа ривожини учун улкан ўзгаришлар, янгиланишлар кузатилмоқда. Қайси бир йўналишни олманг, албатта, замонавийлик сари қадам қўйилмоқда. Муҳи-



ми, халқ манфаати ва уларнинг фаровонлигини таъминлаш экан, албатта, барчамиз бунга аниқ мақсад сари интилоғимиз лозим. Айниқса, ривожланаётган мамлакатимизда берилаётган имкониятларга эътибор билан қараб, ундан самарали фойдаланиш фуқаролик бурчамиздир.

Кенг қўламли ислохотлар марказида шубҳасиз ёшлар ўрни жуда катта. Уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, турли имтиёзлар асосида қўллаб-қувватлаш, имкониятларни янада кенгайтириш, тадбиркорлигини ривожлантириш учун имтиёзли кредитлар ажратиш, таълим тизимида уларнинг фаоллигини ошириш, бандлигини таъминлаш, уюлмаган ёшлар сонини кескин камайтириш, муҳими, улар орасида турли жиноятчиликнинг олдини олишга эътибор кучайтирилган. Ёшларнинг бугунги фаоллигини оширишга эътибор қаратилади экан, 2021 йилнинг “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлиги йили” деб эълон қилинганлиги ҳам ташаббуслар қўламини янада кенгайтиришда хизмат қилиши табиий.

Куни кеча 22 февралда ватандошларимиз яна бир тарихий воқеанинг гувоҳи бўлди – Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашнинг 46-сессиясида нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбари ўзбек тилида жаҳон ҳамжамиятига қарата “Ўзбекистон Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш аъзоси сифатида халқаро ҳуқуқнинг инсон ҳуқуқларига оид умумэтироф этилган принцип ва нормаларини қатъий ҳимоя қилади ва фаол илгари суради”, деб ишонч билдирди.

Давлатимиз раҳбарининг БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши йигилишидаги нутқини диққат билан тинглаб, айтиш керакки, мазкур кенгаш дунё бўйлаб инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлашга қаратилган БМТ тизимидаги энг нуфузли органлардан биридир. Кенгашга 47 та давлат аъзо. Кенгаш аъзолари уч йиллик муддатга яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари бўйича 80 дан ортиқ халқаро ҳужжат, жумладан, БМТнинг 6 та асосий шартномаси ва 4 та факультатив протоколига қўшилган. Уларнинг амалга оширилиши юзасидан БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши ва шартномавий қўмиталарига мунтазам равишда миллий маърузаларни тақдим этиб келмоқда.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда Ўзбекистон Президентининг Халқ ва Виртуал қабулхоналари, шунингдек, Бош вазирнинг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича қабулхоналарининг ташкил этилиши ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу “Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат органлари халққа хизмат қилиши керак” ғоясини ҳаётга татбиқ этишининг амалий кўриниши бўлди.

Шунингдек, маърузада, юртимизда алоҳида эҳтиёжга эга бўлган фуқаролар ҳуқуқини таъминлашга жуда катта эътибор қа-

ратилаётгани, болалар меҳнати, гендер тенглиги борасида олиб борилаётган ишлар изчил давом эттирилиши таъминлашга доир таклифлар берилган. Ўзбекистоннинг минтақа тараққиёти ва ижтимоий-иқтисодий барқарорлиги учун жуда катта масъулият ҳис эътиётганини ҳам англатади.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш Янги Ўзбекистоннинг бош ғояси бўлиб қолаверади...

ҲАМИДУЛЛО МЎМИНОВ,

«Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари»
журнали таҳририятининг маркетинг,
реклама ва тарғибот бўлими бошлиғи

Ўзбекистонда гендер сиёсатиغا эътибор янада кучаймоқда

Мамлакатимизда сўнгги беш йил давомида гендер тенглик масаласига улкан аҳамият берилмоқда. Гендер тенглик Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан алоҳида эътибор қаратилаётган ва қўллаб-қувватлаш зарурлиги эътироф этилаётган муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари сифатида фаолиятининг илк кунлариданоқ асосий эътиборни аёллар ва оила муаммоларига қаратиб келмоқда. Натижада ўтган даврда гендер тенгликни таъминлаш ва аёлларнинг ижтимоий турмуш шароитларини яхшилашга доир бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 апрелда қабул қилинган “Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оилада тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оналарга арзон уй-жойлар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори шулар жумласидандир. Ушбу қарор моҳиятан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, аёлларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, умуман, жамиятимизда гендер тенгликни таъминлашга қаратилган, десак, муболаға бўлмайди.

Ўз навбатида, 2019 йил 2 сентябрда қабул қилинган “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги қонуни хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрнига ҳуқуқий кафолат ҳисобланади. Мазкур Қонун давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 7 мартда қабул қилинган “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган.



“Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги қонуннинг 1-моддасида қайд этилганидек, ушбу Қонуннинг мақсади хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Қонунда гендер тушунчасига ҳам таъриф берилган. Гендер – хотин-қизлар ва эркаклар ўртасидаги муносабатларнинг жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида, шу жумладан, сиёсат, иқтисодиёт, ҳуқуқ, мафкура ва маданият, таълим ҳамда илм-фан соҳаларида намоён бўладиган ижтимоий жиҳатидир.

Демак, гендер тушунчаси фақат аёллар манфаатларинигина ифодаламайди. Балки ҳар икки жинс вакиллариининг ўз орзу ва мақсадлари сари дадил одимлаши, уларга ҳаёт сифатини ошириш учун бир хил имкон беришни ҳуқуқий кафолатлайди. Бинобарин, ҳар қандай ривожланган демократик жамиятнинг муҳим талабларидан бири ҳам шу – аёллар ва эркаклар ҳуқуқлари тенглигининг таъминланишидир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2021 йил 22 февраль куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясида сўзлаган нутқида гендер сиёсати масалалари борасида мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ва ишбилармонлик соҳасида аёлларнинг ролини тубдан оширишга қаратилган ишлар қатъий давом эттирилишини таъкидлади. Шу мақсадда жорий йилда Ўзбекистонда Марказий Осиё мамлакатлари етакчи аёлларининг мулоқоти ва хотин-қизларнинг минтақавий бизнес-форумини ўтказиш режалаштирилаётганига эътиборни қаратди.

Президентимиз 2020 йилнинг 23 сентябрда видеоанжуман шаклида ўтказилган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-юбилей сессиясидаги нутқида ҳам Ўзбекистонда гендер тенглик сиёсати устувор масалага айланишини алоҳида қайд этгани бежиз эмас. Чунки кейинги йилларда юртимизда хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги ўрни тобора кучайиб бормоқда. Парламентимизда аёл депутатлар сони икки баробар кўпайди.

Ҳақиқатан ҳам, бугунги кунда мамлакатимизда хотин-қизларнинг ўз имкониятларини тўлақонли рўёбга чиқаришлари учун барча шарт-шароитларни таъминлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Ўзбекистонда бир қатор қонулар, Президентнинг хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш, хусусан, гендер тенглиги ва аёлларни зўравонлик ва зулмдан ҳимоя қилиш, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш мақомини кучайтириш тўғрисидаги фармон ва қарорлари қабул қилинган.

Гендер тенглик бўйича тегишли институционал чоралар ҳам кўрилмоқда. Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Олий Маж-

лисининг Сенати таркибида Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси ташкил қилинган. Бу янги тузилма аёллар ҳуқуқларини таъминлаш ва камситишнинг ҳар қандай шаклига барҳам бериш бўйича миллий қонунчиликда халқаро стандартларни уйғунлаштириш билан шуғулланмоқда.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, 1948 йилда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида аёллар ва эркекларнинг тенглиги алоҳида эътироф этилган. Декларациянинг 1-моддасида белгиланганидек, “Ҳамма одамлар ўз қадр-қиммати ҳамда ҳуқуқларида эркин ва тенг бўлиб туғиладилар. Уларга ақл ва виждон ато қилинган, бинобарин бир-бирларига нисбатан биродарлик руҳида муносабатда бўлишлари керак”.

БМТ томонидан 1966 йилда қабул қилинган яна бир халқаро-ҳуқуқий ҳужжат – Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 3-моддасида таъкидланганидек, “Мазкур пактда иштирок этувчи давлатлар эркеклар ва аёллар учун ушбу Пактда кўриб чиқилган барча фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлардан бир хилда фойдаланишини таъминлаш мажбуриятини олади”.

Айнан мазкур халқаро нормалар “Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонунида ўз аксини топган. Бинобарин, юқорида қайд этилган халқаро ҳужжатларни ратификация қилган мустақил давлатимиз халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган талабларидан келиб чиқиб, ўз миллий қонунчилигида аёллар ва эркеклар тенглиги масаласига жиддий аҳамият беришининг сабаби ҳам асослидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, шубҳасиз, ана шу асоснинг устувор ҳуқуқий кафолати ҳисобланади. Асосий Қонунимизнинг 46-моддасида “Хотин-қизлар ва эркеклар тенг ҳуқуқлидирлар”, деб белгиланган.

Шу маънода, Ўзбекистонда гендер тенгликнинг ҳам халқаро-ҳуқуқий, ҳам конституциявий-ҳуқуқий асослари кафолатланган. Гендер тенглик ижтимоий тенгликни ҳам англатади. Бундай тенгликни таъминлаш учун Конституция ва қонунларга зарур қоидаларни киритишнинг ўзи кифоя эмас. Шу боис ҳам, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, мамлакатимизда гендер тенгликка эришишда хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини янада кучайтириш масаласи давлат ва жамиятнинг доимий диққат марказида турибди. Зеро, бу муҳим омил оилани мустаҳкамлаш, юқори интеллектуал даражадаги ёш авлодни вояга етказиш, жамият барқарорлигини таъминлашнинг асосий пойдевори ҳисобланади.

НОННА САФАРОВА,
сотрудник Национального центра
Республики Узбекистан по правам человека

**Гендерное равенство –
неотъемлемое слагаемое прав человека**

22 февраля, в Женеве начала свою работу 46-я сессия Совета ООН по правам человека. Для нашей страны, этот день имеет особое значение, в связи с тем, что 13 октября 2020 года делегаты Генеральной Ассамблеи ООН избрали Узбекистан членом Совета ООН по правам человека (СПЧ) на трехлетний срок, начиная с 1 января 2021 года. Это является признанием действий Узбекистана на пути демократических реформ в своей стране и его инициатив на международном уровне в сфере прав человека.

Президент Узбекистана Ш.М. Мирзиёев в своем выступлении с трибуны Совета по правам человека озвучил важные направления дальнейшего углубления демократических преобразований в Узбекистане. Основной целью Узбекистана является защита и соблюдение прав человека, для реализации этого направления была разработана и принята Национальная стратегия по правам человека (июнь 2020 г.). В соответствии с этим пристальное внимание уделяется таким направлениям как: обеспечение прав лиц с особыми потребностями; защите прав молодёжи; искоренение принудительного и детского труда; образование в области прав человека; сокращение числа лиц без гражданства; решение вопросов гендерной политики.

Гендерная политика занимает важное место в вопросах развития страны, население которой на 50,3% составляют женщины. Но женщин, занимающих активную жизненную позицию в общественных вопросах, в Узбекистане, как и во всем современном мире ещё не достаточно. Одна из причин такого положения возможно кроится в том, что традиционно девочек готовят к семейной жизни и не уделяют внимание ее участию в остальных областях жизни. В этом направлении намечены повышение роли женщин в общественной, политической и деловой жизни страны. С правовой точки зрения в Узбекистане вопросы равенства полов закреплены и защищаются Конституцией страны и другими законами, в том числе и совсем недавними законами Республики Узбекистан: «О гарантиях равных прав и возможностей для женщин и мужчин» и «О защите женщин от притеснения и насилия» от 02.09.2019 г. Тот факт, что в Узбекистане приняты такие законы, говорит о существующих сложностях в данном направлении и о решительности государства изменить положение вещей.

Проблемы с гендерным неравенством и домашним насилием особенно болезненно проявились в ситуации с пандемией, ког-

да в связи с самоизоляцией многие женщины и девочки остались без материального дохода и в постоянном контакте с источником физической и эмоциональной агрессии, что привело к негативным последствиям в данном вопросе. Такое положение стало подтверждением своевременности осуществления государственной политики в сфере обеспечения равных прав и возможностей для женщин и мужчин. Государственной политики, направленной на ликвидацию дискриминации и гендерного неравенства в отношении женщин и девочек и основанной на статистической информации, которая отражает положение женщин и мужчин во всех сферах жизни общества на основе гендерных показателей.

Естественно, что ситуация изменится не за одно мгновение, но общество идет по этому пути – пути изменения стереотипа в отношении женщин, их способностей, возможностей и потребностей, не только у мужчин, но и у самих женщин. Ярким доказательством возможностей женщин могут служить примеры наших соотечественниц, уже достигших успеха на выбранных ими поприщах. Женщины в государственных структурах – Танзила Нарбаева, Светлана Артикова, Эльмира Баситханова; женщины-предприниматели – Замира Рахманова, Мария Портнова; представительницы творческого направления – Дильбар Абдурахманова, Насиба Абдуллаева; наши спортсменки – Оксана Чусовитина, Ирода Туляганова и многие другие. Такие достижения женщин нашей страны и не менее яркие и достойные примеры женщин по всему миру, служат стимулом для представительниц молодого поколения, ставить для себя цели и добиваться их воплощения.

Со своей стороны, руководство страны, всесторонне изучив национальный и международный опыт в области гендерного равенства, учитывая национальные особенности и другие аспекты принимает необходимые меры в решении вопросов равноправия женщин и мужчин при осуществлении ими личных, политических, экономических, социальных и культурных прав. Работа, проделанная в этом направлении, отражается в государственной политике, при которой государство гарантирует:

- равные права и возможности для женщин и мужчин к доступу ко всем видам образования, переподготовки и повышения квалификации, к участию в осуществлении образовательного и научного процесса и доступу к культуре, культурным ценностям и наследию;

- содействие гендерному просвещению граждан путем внедрения гендерной тематики в различные образовательные программы;

- подготовку и публикацию учебной литературы, свободной от неверных представлений, основанных на идее превосходства одного из полов;

– регулярный мониторинг учебных программ и учебников на соответствие принципу недопустимости дискриминации по признаку пола;

– поощрение и всестороннюю поддержку информационно-просветительских мероприятий, направленных на повышение правовой культуры населения, по вопросам обеспечения реализации гендерной политики.

Не взирая на все сделанное, нужно признать, что Узбекистан находится только в начале своего пути к гендерному равенству. Следующим шагом станет Диалог женщин-лидеров стран Центральной Азии и региональный женский бизнес-форум, которые планируется провести в этом году в Узбекистане, о чем объявил Президент Узбекистана Шавкат Мирзиёев в ходе своего выступления на 46-й сессии совета по правам человека Организации Объединенных Наций. Председательство в рамках Диалога женщин-лидеров Центральной Азии в 2021 году возложено на председателя Сената Олий Мажлиса Т. Нарбаеву. Несомненно, что взаимодействие между государствами региона принесет большую пользу в решении вопросов по усилению роли женщин каждой из стран-участниц Центральноазиатского региона.

ФАРҲОД НИЗОМОВ,

**“Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари”
журнали таҳририятининг ходими**

Фуқаролик мақоми – инсон ҳуқуқлари тўла таъминланганидан далолат

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясида сўзлаган нутқи инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва кафолатлашга оид янги таклиф ва ташаббуслар илгари сурилгани, мамлакатимизнинг бу борадаги қатъий позицияси акс этгани билан ниҳоятда аҳамиятлидир.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштиришнинг ва Кенгаш доирасидаги мамлакатимиз фаолиятининг устувор йўналишларини қайд этар экан, жумладан, қуйидаги фикрларни таъкидлади: “Бош қотиб Антониу Гутерриш Жаноби Олийларининг фуқаролиги бўлмаган шахслар сонини камайтириш бўйича қатъий чоралар кўриш тўғрисидаги таклифини қўллаб-қувватлаймиз. Биргина ўтган йилнинг ўзида 50 минг нафар ватандошимиз Ўзбекистон фуқаролигига қабул қилинди, бу йил яна 20 мингдан зиёд киши фуқароликка эга бўлади”.

Узоқ йиллар давомида юртимизда истиқомат қилса ҳам, турли сабабларга кўра фуқаролик мақомини ололмаган минглаб ин-

сонларнинг ҳуқуқлари тўла тиклангани БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши аъзолари томонидан юқори баҳоланди.

Фуқаролик мақоми шахснинг нафақат иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларидан, балки сиёсий ҳуқуқларидан ҳам фойдаланишига имконият яратиши билан муҳим ҳисобланади.

Турли сабабларга кўра фуқаролик мақомига эга бўла олмаётган ватандошларимизнинг ҳуқуқларини тиклашда аввало бу борадаги қонуний асос мустаҳкамланди.

Жумладан, 2020 йил 13 мартда янги тахрирда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги қонунга асосан, 1995 йил 1 январга қадар Ўзбекистон Республикасига кириб келган ва доимий рўйхатдан ўтган, чет давлат фуқаролигини қабул қилмаган ҳамда ушбу қонун кучга киргунига қадар фуқаролиги бўлмаган шахсга, Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси асосида яшаб турган шахс истак билдирган тақдирда, Ўзбекистон Республикасининг фуқароси деб тан олиш тартиби киритилди. 2020 йил 1 апрелдан бошлаб ушбу тоифадаги шахслардан ҳужжатлар қабул қилинмоқда.

Янги тахрирдаги қонундаги ўзгаришлардан яна бири – Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини қабул қилиш истагини билдирган шахсдан ўзбек тилини мулоқот даражасида билиши лозимлиги белгиланди.

Мухтасар айтганда, давлатимиз раҳбарининг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясидаги нутқида таъкидланган фуқаролиги бўлмаган шахслар сонини камайтириш масаласи бўйича Ўзбекистон тажрибаси дунёнинг кўплаб давлатларига ибрат бўла олади.

АЗИЗБЕК РАМАЗОНОВ,

**“Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари”
журнали масъул котиби**

Ёшлар ҳуқуқлари доимий эътибор марказида

Ўз халқини қадрлаган, мамлакатдаги ҳар бир инсон ҳуқуқини ҳимоя қила олган давлатни дунё ҳамжамияти ҳам ҳурмат қилади. Давлат халқнинг хоҳиш-иродасини амалда ифода этиб, инсон манфаатларини кафолатловчи қонунлар асосида фаолият олиб борсагина, кучли ва қудратли бўлади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида мамлакатимизда сўнгги йилларда қўлга киритилаётган муваффақиятлар ушбу тарихий ҳақиқатни яна бир бор тасдиқламоқда.

Асримизнинг дастлабки ўн йилида халқаро ҳамжамият томонидан мамлакатимиз инсон ҳуқуқларининг таъминланиши бўйича энг кўп танқид остига олиниб, бу давлатимиз тараққиётига, унинг халқаро нуфузига, юртимизга кириб келаётган хорижий



инвестициялар оқимига салбий таъсир кўрсатгани сир эмас. Бугунги кунда эса Ўзбекистон инсон ҳуқуқларини таъминловчи энг нуфузли халқаро ташкилот – БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг аъзоси даражасига эришди.

Ўзбекистон Президенти БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясида сўзлаган нутқида таъкидлаганидек, мамлакатимиз сўнгги йилларда ушбу нуфузли ташкилотга аъзо бўлиш учун бутун масъулиятни англаган ҳолда интилиб келди. Янги Ўзбекистонни бунёд этишга қаратилган демократик ислохотлар ортга қайтмайдиган тус олди.

Яна бир жиҳат: 150 дан ортиқ мамлакат президентлари, ҳукуматлар ва йирик халқаро ташкилотлар раҳбарлари иштирок этган БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясида давлатимиз раҳбари биринчи бўлиб сўзга чиқди ҳамда ўзбек тилида нутқ сўзлади. Бу Ўзбекистонга бўлган юксак ҳурмат ва эътибордан, давлатимизнинг жаҳон миқёсидаги ўрни юксалиб бораётганидан далолат беради.

Нутқда Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштиришнинг, шунингдек Кенгаш доирасидаги мамлакатимиз фаолиятининг етгита устувор йўналиши санаб ўтилди.

Устувор йўналишлардан бири сифатида ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари тўғрисида тўхталар экан, давлатимиз раҳбари қуйидаги таклиф ва ташаббусларни илгари сурди:

- Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида Ёшлар ҳуқуқлари бўйича бутунжаҳон конференциясини ўтказиш;

- БМТ Иқтисодий ва ижтимоий кенгашининг ўнинчи форумида Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция лойиҳасини тақдим этиш;

- Ёшлар ҳуқуқлари бўйича махсус маърузачи институтини таъсис этиш.

Қайд этиш ўринлики, сўнгги тўрт йилда мамлакатимиз жаҳон ҳамжамияти эътиборини ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларига фооллик билан қаратиб келмоқда. Жумладан, БМТ Бош Ассамблеясининг 72- ва 75-сессияларида Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияни қабул қилиш бўйича ташаббус илгари сурилди.

Шунингдек, 2019 йилнинг 7-8 октябрь кунлари Тошкент шаҳрида Ислоҳ ҳамкорлик ташкилоти Инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил доимий комиссиясининг “Тинчликсевар, демократик жамиятлар барпо этиш ва барқарор ривожланиш йўлида ёшлар ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилишнинг аҳамияти” мавзuidaги йиллик 6-семинари ўтказилди. Семинар якунида “Ислоҳ ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатларда ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Тошкент декларацияси” қабул қилинди.

2020 йилнинг 12-13 август кунлари “Ёшлар – 2020: глобал миқёсдаги бирдамлик, барқарор тараққиёт ва инсон ҳуқуқлари” номли Самарқанд форуми юқори савияда ташкил этилди. Форум

якунида Самарқанд резолюцияси қабул қилинди ва у БМТ Бош Ассамблеяси 74-сессиясининг расмий ҳужжати сифатида тақдим этилди.

XXI асрда ёшлар дунё аҳолисининг ярмидан кўпини ташкил этаётганини, ёшлар сонининг ортиши жамиятда мазкур тоифадаги шахсларро муносабатларнинг хилма-хиллашувига, аҳолининг бошқа қатламларига улар кўрсатадиган таъсир кучининг ортишига олиб келишини, бу эса ёшлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солишнинг янги ҳуқуқий тизимларини ишлаб чиқишни тақозо этишини инобатга олсак, давлатимиз раҳбари юксак халқаро минбардан туриб таъкидлаётган фикрларнинг, илгари сураётган таклиф ва ташаббусларнинг моҳиятини янада теранроқ англаймиз. Бунни хорижий мутахассислар ҳам эътироф этмоқда.

“Ёшлар – бизнинг келажагимиз, улар янги дунёни барпо этади ва шунинг учун ёш авлодга кўпроқ эътибор бериш керак, – дейди «Volt» Умумевропа сиёсий партиясининг Бельгия бўлими маси коммуникациялар бўлими ҳамраиси Вита Кобиела. – Президент Шавкат Мирзиёев ёшлар ва аҳоли саломатлиги муҳофазасини 2021 йилнинг устувор вазифаси этиб белгилаб, ўзини доно давлат арбоби ва муаммоларни чуқур тушунадиган сиёсатчи сифатида намоён этди”.

Давлатимиз раҳбарининг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясидаги нутқи инсон ҳуқуқларини, шу жумладан ёшлар ҳуқуқларини таъминлаш ер юзидаги тинчлик, хавфсизлик ва барқарор тараққиётнинг кафолати эканини яна бир бор бутун дунёга эслатди.

Дунёнинг энг йирик инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси бўлган ташкилот минбаридан туриб билдирилган таклиф ва ташаббуслар мамлакатимизнинг нафақат халқаро ҳуқуқда қабул қилинган инсонпарвар меъёрларнинг интизомли ижросиси, балки глобал аҳамиятга эга бўлган лойиҳалар ташаббускори сифатида ҳам мавқеи мустаққамланишига хизмат қилиши шубҳасиз.

МУХЛИСА ҲАСАНОВА,
“Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари”
журнали таҳририятининг катта муҳаррири

**Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш –
устувор вазифа**

Президентимиз Шавкат Мирзиёев БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясидаги нутқида мамлакатимизда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва Кенгаш фаолияти доирасидаги устувор йўналишларга эътибор қаратди. Алоҳида эҳтиёжга эга бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлаш шундай муҳим соҳалардандир.

“Яқинда Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги янги қонун кучга кирди. Ўзбекистон Парламенти Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни ратификация қилиши кутилмоқда. Биз имконияти чекланган шахсларнинг ўз қобилиятини тўла рўёбга чиқариш масалалари бўйича Минтақавий кенгаш тузишни таклиф этамиз”, деди давлатимиз раҳбари.

Мамлакатимизда ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимини шакллантириш, уларни меҳнат фаолиятига кенг жалб қилиш орқали ҳаёт сифати ва даражасини ошириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, бозор иқтисодиёти шароитида ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигини таъминлаётган корхоналарнинг барқарор фаолият юритишини рағбатлантиришга қаратилган қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш талаб этилмоқда.

Юртбошимиз қайд этган “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги қонунни ҳақли равишда миллий қонунчиликнинг ютуғи деб ҳисоблаш мумкин. Чунки ушбу Қонунда илк бор ногиронлик ижтимоий ҳимоя ёки тиббиёт муаммоси эмас, балки, биринчи навбатда, инсон ҳуқуқлари муаммоси сифатида таърифланган.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида ҳар бир инсон ирқи, жинси, тили, дини, сиёсий ёҳуд бошқа эътиқодларидан, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мулкый ёҳуд табақавий ёки бошқа шароитидан қатъи назар, барча ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиши шарт экани белгилаб қўйилган. Бу ногиронлар учун ҳам бевосита тааллуқлидир.

Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини жамият ҳаётининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳаларида ҳимоя қилиш асосида қандай вазият бўлишидан қатъи назар, шахсни ногиронлиги сабабли камситмаслик тамойили ётади.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, тенглик ва камситмаслик тамойиллари мустаҳкамланган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасида шундай дейилган: “Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар”.

Ўзбекистонда Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш доирасида имконияти чекланган шахсларнинг ижтимоий ҳимояси ва тенг ҳуқуқлилигини кафолатловчи бир қатор қонунлар қабул қилинди. 2020 йил 15 октябрдаги “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги қонун бу борада алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда 45 мингдан ортиқ рўйхатга олинган кўзи ожиз ёки қисман ожиз фуқаро истиқомат қилади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28 йиллиги арафасида илк бор Бош

Комусимиз ҳамда ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари тўғрисидаги янги қонун Брайл алифбосида китоб ҳолида нашр этилди.

Ушбу китоблар Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси кўмагида нашр этилди. Янги нашрлар имконияти чекланган шахсларга жамиятимизнинг бошқа фуқаролари қатори мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида тенг равишда иштирок этиш имконини бериб, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга ёрдам беради, деб ишонамиз.

Хулоса қилиб айтганда, Президентимиз Женевадаги чиқишида Ўзбекистон парламенти БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини ратификация қилишини алоҳида таъкидлади. Бу шундан далолат берадики, ногиронлиги бўлган шахсларнинг кадр-қимматини ҳурмат қилиш, уларни ногиронлик белгисига кўра камситишга йўл қўймаслик, ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишдаги имкониятлар тенглиги, таълим олишга бўлган ҳуқуқларининг амалга оширилишига хизмат қилади.

ДИЛНОЗА РАҲИМОВА,

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси
Миллий марказининг ходими

Инсон ҳуқуқлари соҳасини барқарор ривожлантириш сари

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши 2006 йилда тузилган. Кенгаш бутун дунёда долзарб бўлган инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлашга қаратилган БМТ тизимидаги энг нуфузли ҳукуматлараро органлардан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига 47 та давлат аъзодир. Ўтган йил охирида Ўзбекистон 2021-2023 йиллар даврига ушбу тузилма аъзоси этиб илк бор сайланди.

Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, мамлакатимиз ўз тарихида илк маротаба Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига аъзо этиб сайлангани ҳамда АҚШ Давлат департаменти томонидан Ўзбекистон диний эркинлик соҳасидаги “махсус кузатувдаги давлатлар” рўйхатидан чиқарилгани кенг кўламли демократик ислохотларимизнинг эътирофидир.

Энг муҳими, Ўзбекистоннинг глобал ва минтақавий ташаббуслари дунё ҳамжамияти томонидан катта қизиқиш билан қабул қилинаётгани Президентимиз сиёсатининг оқилона тарзда олиб борилаётганидан далолат беради.



Бугун дунёдаги коронавирус пандемияси муносабати билан Женева шаҳрида Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашнинг навбатдаги йиғилиши видеоанжуман шаклида ўтказилди. Ўзбекистон Президенти форумнинг биринчи кунida нутқ сўзлади.

Эътиборли жиҳати шундаки, Юртбошимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашнинг 46-сессияси қатнашчиларига ўзбек тилида мурожаат қилди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида мамлакатда демократик янгиланишларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишлари ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш доирасидаги ишларнинг асосий вазифаларига батафсил тўхталди. Шу билан бир қаторда, бугунги кунда юртимизда инсон ҳуқуқлари бўйича амалга оширилаётган янгиланишлар ҳақида сўз юритди. Жумладан,

- 2030 йилгача мўлжалланган БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари мамлакатимизда ҳар бир инсоннинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашни кўзда тутадиган «ҳеч кимни эътибордан четда қолдирмаслик» тамойили асосида амалга оширилиши, ўз навбатида, бу борадаги ишлар Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссар Бошқармаси экспертларининг фаол иштирокида ишлаб чиқилган Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси доирасида амалга оширилиши;

- гендер сиёсати масалалари борасида, жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларида аёлларнинг ролини тубдан оширишга қаратилган ишларни қатъий давом эттирган ҳолда, 2021 йилда Ўзбекистонда Марказий Осиё мамлакатлари етакчи аёлларининг мулоқоти ва хотин-қизларнинг минтақавий бизнес-форумини ўтказиш режалаштирилаётгани;

- алоҳида эҳтиёжга эга бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлашга жиддий эътибор қаратилаётгани ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги янги қонун кучга киргани, эндиликда Ўзбекистон парламенти Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни ратификация қилиши кутилаётгани;

- Халқаро меҳнат ташкилоти ва Жаҳон банки билан ҳамкорликда мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатига барҳам бериш бўйича улкан ишлар амалга оширилгани, 2021 йил – Болалар меҳнатига барҳам бериш халқаро йилида Ўзбекистонда Болалар омбудсмани тўғрисидаги қонун қабул қилиниши;

- ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш доимо эътиборимиз марказида экани ҳақида алоҳида таъкидланди.

Шу билан бирга, давлатимиз раҳбари бир қатор амалий тақлифлар ва глобал ташаббусларни илгари сурди. Хусусан:

- имконияти чекланган шахсларнинг ўз қобилятини тўларёбга чиқариш масалалари бўйича Минтақавий кенгаш тузиш;

- Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида Ёшлар ҳуқуқлари бўйича бутунжаҳон конференциясини ўтказиш;

- БМТ Иқтисодий ва ижтимоий кенгашининг ўнинчи форумида Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция лойиҳасини тақдим этиш;

- Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим декларациясининг 10 йиллигига бағишлаб Олий комиссар Бошқармаси билан биргаликда глобал форум ўтказиш;

- Ёшлар ҳуқуқлари бўйича махсус маърузачи институтини таъсис этиш.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Президенти фуқаролиги бўлмаган шахслар сонини камайтириш бўйича қатъий чоралар кўриш, қийноқларнинг олдини олиш, фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш, Судьялар кенгашлари фаолиятининг универсал принципларини ишлаб чиқиш масалаларига ҳам тўхталди.

Шундай қилиб, Юртбошимиз таъкидлаганидек, биз инсон ҳуқуқлари борасида ҳали улкан йўлнинг бошида турганимизни англаган ҳолда, халқаро ҳамкорларимизнинг қўллаб-қувватлашига умид қиламиз.

Ўзбекистон Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш аъзоси сифатида халқаро ҳуқуқнинг инсон ҳуқуқларига оид умум эътироф этилган принцип ва нормаларини ҳамиша қатъий ҳимоя қилади ва фаол илгари суради.

ФАРИДА ҲАҚБЕРДИЕВА,

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси
Миллий марказининг жисмоний ва юридик шахслар
муурожаатлари билан ишлаш бўлими бош мутахассиси

Ўзбекистон дунёда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга эътибор қаратмоқда

Ҳинд халқининг улуғ фарзанди Махатма Гандининг “Агар дунёни ўзгартирмоқчи бўлсангиз, ўзингизни ўзгартиринг” деган сўзлари бежиз эмас. Инсон ҳуқуқлари соҳасида энг кўп танқид қилинган давлатлардан – қисқа муддатда бошқаларга ўрнак бўладиган давлат даражасига эришган Ўзбекистон бунга яққол мисол бўлади.

Бу борада Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг хизматлари беқиёслиги дунё ҳамжамияти томонидан ҳам юксак эътироф этилмоқда. Шу маънода, инсон ҳуқуқларини тарғиб қилиш ва ҳимоя қилишга содиқлигимиз белгиси сифатида мамлакатимиз БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига ўз номзодини қўйди.

2020 йил 13 октябрда Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган сайловларда БМТ Бош Ассамблеяси делегатлари уч йиллик муддатга БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 15 нафар янги аъзосини сайлашди. Кенгашнинг ана шу янги аъзолари 2021 йил 1 январдан ўз фаолиятини амалга ошира бошлади.



Миллий давлатчилигимиз тарихида биринчи марта Ўзбекистон ушбу нуфузли Кенгаш аъзолигига сайланди. БМТга аъзо 193 давлатдан 169 таси мамлакатимиз учун овоз берди.

Дунё бўйлаб бу соҳадаги вазиятни кузатиб борувчи БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши давлат раҳбарларига ўз тавсияларини беради. Ушбу халқаро органнинг аъзоси бўлган ҳар бир мамлакат бу йўналишда биринчи навбатда ўзи намуна бўлиши керак.

Халқаро ҳамжамият томонидан тан олинган ва БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига қўшилган Ўзбекистон зарур мажбуриятларнинг масъулиятли бажарилишига жиддий ёндашмоқда.

Давлатимиз раҳбари 2017 йил сентябрь ойида БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессияси доирасида муҳим халқаро ташаббусларни эълон қилганди. Жумладан, Осиё китъасида юзага келган инсон ҳуқуқлари бўйича муаммоларни муҳофама қилиш ҳамда ечимини топиш учун қулай майдон бўлиб хизмат қиладиган “Инсон ҳуқуқлари бўйича доимий Самарқанд форуми”ни ташкил этиш ва дунё ёшларининг ҳуқуқларини мустаҳкам қалқон бўлиб ҳимоя қиладиган БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари бўйича халқаро конвенциясини ишлаб чиқиш ва қабул қилишни илгари сурганди.

2018 йил 22-23 ноябрь кунлари Самарқанд шаҳрида “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 70 йиллигига бағишланган Осиё форуми” бўлиб ўтди. Унда 30 дан ортиқ мамлакатдан 20 га яқин халқаро ташкилот вакиллари ва экспертлар иштирок этди. Форум якунида қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Самарқанд Декларацияси БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 2019 йил 6 февралдаги 73-сессиянинг расмий ҳужжати сифатида тасдиқланди.

2020 йил 12-13 август кунлари “Ёшлар-2020: Глобал ҳамжихатлик, барқарор ривожланиш ва инсон ҳуқуқлари” мавзuidaги навбатдаги Самарқанд веб-форуми бўлиб ўтди. Шу номдаги Самарқанд резолюцияси ҳам БМТ расмий ҳужжати сифатида қабул қилинди.

Ўзбекистон раҳбарияти ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеяси доирасида учта резолюция ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Жумладан, 2018 йил 12 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан “Таълим ва диний бағрикенглик” махсус резолюцияси қабул қилинди.

Лойиҳаси Ўзбекистон томонидан ишлаб чиқилган ва жуда қисқа вақт ичида қабул қилинган ҳужжат БМТга аъзо барча давлатлар томонидан бир овоздан қўллаб-қувватланди. Ҳужжатга Шимолий Америка ва Лотин Америкаси минтақалари, Осиё, Африка китъаларининг 50 дан ортиқ давлати муаллифлик қилган

бўлиб, бу Ўзбекистон раҳбари ташаббусининг долзарблиги халқаро ҳамжамият томонидан юксак эътироф этилганидан далолат беради.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги иштироки доирасида Ўзбекистон ва БМТ ўртасидаги ҳамкорликни янада жадаллаштириш бўйича қатор ташаббуслар, жумладан, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қуйидаги таклифлар илгари сурилди:

- БМТ ҳомийлигида Пандемия даврида давлатларнинг ихтиёрий мажбуриятлари бўйича халқаро кодексни ишлаб чиқиш;

- БМТ Бош Ассамблеясининг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда ва инсон ҳуқуқларини таъминлашда парламентларнинг ролини ошириш тўғрисида махсус резолюциясини қабул қилиш.

2021 йил 22 февралда Ўзбекистон Республикаси тарихида биринчи марта Президентимиз БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясида иштирок этиб, биринчи бўлиб сўзга чиқди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида мамлакатимизда демократик ўзгаришларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишлари, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши доирасида Ўзбекистоннинг асосий иш йўналишлари ҳақида батафсил сўз юритди. Юртбошимиз томонидан Ўзбекистон ва БМТ ўртасида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида ҳамкорликни чуқурлаштиришнинг қуйидаги янги йўналишлари белгилаб берилди:

- саломатлик ҳуқуқини таъминлаш;
- гендер тенглиги;
- ногиронларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимни ривожлантириш;
- судлар мустақиллигини мустаҳкамлаш;
- қийноқларга қарши кураш;
- инсон ҳуқуқлари соҳасида минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш.

Давлатимиз раҳбари ҳар бир инсоннинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш йўлларининг барча механизмларини амалда қамраб олган глобал, минтақавий ва миллий миқёсдаги бир қатор муҳим ташаббусларни илгари сурди.

Шундай қилиб, давлатимизнинг БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига сайланиши, шубҳасиз, жаҳон ҳамжамиятининг мамлакатимизда амалга оширилаётган шиддатли ислохотларга мустаҳкам ишончи ҳамда Президентимизнинг оқилона сиёсатининг юксак эътирофи белгисидир.

НАЗИРА РАХМАТИЛЛАЕВА,
“Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари”
журнали таҳририяти мутахассиси

**Ўзбекистон ва БМТ: Инсон ҳуқуқлари бўйича таълим
соҳасидаги ҳамкорлик**

Ўзбекистон мустақил давлат мақомига эга бўлгандан сўнг бир йил ўтиб, 1992 йил 2 март куни Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлган. Бу муҳим воқеадан кейин қарийб 30 йил ўтиб эса яна бир тарихий воқеа юз берди – 2020 йил охирида Ўзбекистон БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига уч йил муддатга сайланди.

Ўзбекистоннинг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига сайланиши – жаҳон ҳамжамиятининг юксак эътирофидир. Бу улкан воқеа мамлакатимизнинг янги ташқи сиёсатини, хусусан, халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар билан ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган амалий ҳаракатларини қўллаб-қувватлашнинг ўзига хос юксак ифодасидир.

Мамлакатимиз инсон ҳуқуқлари соҳасидаги турли халқаро ташкилотлар, жумладан, БМТнинг устав органлари ва шартномавий қўмиталари билан инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимни ривожлантириш ва инсон ҳуқуқларини тарғиб қилишда фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда.

2021 йил 22 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясида сўзлаган нутқи Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро мажбуриятларни бажариш тамойилига содиқлигини эътироф этгани билан экспертлар ва сиёсатшунос олимлар эътиборини ўзига қаратди.

Ўзбекистоннинг ташаббусларидан бири – бу Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тарбия декларациясининг 10 йиллигига бағишлаб, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Бошқармаси билан биргаликда глобал форум ўтказишдир. Бу глобал форумда инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантиришнинг ҳолати ва истиқболлари таҳлил қилинади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича таълим Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан ўрнатилган халқаро инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимининг устувор йўналишларидан биридир. БМТ ташкил топганидан бери инсон ҳуқуқлари бўйича таълим ва инсон ҳуқуқларига оид халқаро нормалар ва принциплар тўғрисида маълумот тарқатиш масаласи унинг диққат марказида бўлиб келмоқда.

1948 йилда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида ҳам инсон ҳуқуқларига тўлиқ риоя қилиниши учун инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари соҳасидаги таълим ва тарбиянинг аҳамияти муҳимлиги таъкидланган.

БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича таълим тизими фаолияти доирасида инсон ҳуқуқлари таълимининг асосий тамойиллари, мақсади ва вазифалари, мақсадли гуруҳлари, шакл ва усулларини белгилловчи халқаро дастур ва ҳужжатлар яратилган.

Ўзбекистонда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш ва қонун устуворлигини мустаҳкамлашга доимо алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Хусусан, 2019 йили Ўзбекистон парламенти Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича таълим ва тарбия декларациясини ҳамда Декларация қоидаларини амалга ошириш бўйича Миллий ҳаракатлар дастурини қабул қилди.

Ушбу ҳужжат инсон ҳуқуқларига оид таълим бўйича Бутунжаҳон дастурининг тўртинчи босқичи ғоялари ва қоидаларини амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Инсон ҳуқуқлари ва таълимни тарғиб қилишда маҳаллий, миллий ва глобал даражадаги кенг аҳоли қатламларини жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

МАДИНА НУРУЛЛОЕВА,

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси

Миллий маркази Умумий бўлимининг етакчи мутахассиси

Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги дадил қадамлари

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясидаги нутқида халқаро жамоатчилик ва мамлакатимиз фуқаролари томонидан кенг ижобий муносабатлар билдирилмоқда.

Ўзбекистон Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш аъзоси сифатида ушбу учрашувда биринчи марта иштирок этаётган бўлса-да, давлатимиз раҳбарига биринчи бўлиб нутқ сўзлаш имконияти берилди ва ушбу нутқнинг мамлакатимизнинг давлат тили – ўзбек тилида янграгани миллионлаб юртдошларимиз қалбини ғурурга тўлдирди. Бу юртимиз обрў-эътибори халқаро миқёсда тобора ортиб бораётганидан ҳам далолатдир.

Мутахассисларнинг фикрича, Ўзбекистоннинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашга сайланиши мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари соҳасида жиддий ўзгаришлар рўй берганидан далолатдир. Президентимиз нутқида ана шу асосий демократик ўзгаришларнинг айримларига алоҳида эътибор қаратилди.

Авваламбор, 2020 йилда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси қабул қилинди. Мазкур ҳужжатда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш бўйича изчил давлат сиёсатини амалга оширишнинг асосий вазифалари ва йўналишлари белгиланди. Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий



стратегиясини ишлаб чиқиш жараёнида халқаро мутахассислар, хусусан, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Бошқармаси экспертлари иштирок этган.

Мамлакатимизнинг ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ҳаётида аёлларнинг ролини оширишга катта аҳамият берилмоқда. Ушбу мақсад йўлида янада муҳим натижаларга эришиш учун келгусида 2 та минтақавий анжуман, яъни Марказий Осиё мамлакатлари етакчи аёллари билан мулоқот ҳамда минтақавий аёллар бизнес форумини ўтказиш режалаштирилган.

Ўзбекистон парламенти томонидан БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси ратификация қилинади. Президентимиз Женевадаги чиқишида бу ҳақда алоҳида тўхталди.

Республикамиз аҳолисининг ярмидан кўпини ёшлар ташкил этишини ҳисобга олиб, навқирон йигит-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу маънода, давлатимиз раҳбари илгари сурган БМТ ҳомийлигида Ёшлар ҳуқуқлари бўйича Бугунжаҳон конференциясини ўтказиш, БМТ Иқтисодий ва ижтимоий кенгашининг ўнинчи форумида бу борада тегишли Конвенция лойиҳасини тақдим этиш ва Ёшлар ҳуқуқлари бўйича махсус маърузачи институтини ташкил этиш ташаббуслари жуда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Президенти БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича таълим ва тарбия декларацияси 10 йиллигига бағишланган Глобал форум ўтказиш ташаббуси билан ҳам чиқди.

Маълумки, БМТ Бош қотиби Антониу Гутерриш таклифи доирасида фуқаролиги бўлмаган шахслар сонини қисқартириш мақсадида ўтган йил давомида мамлакатимизда 50 минг киши Ўзбекистон фуқаролигини олган. Жорий йилда эса яна 20 мингдан ортиқ юртдошимиз фуқаролик паспортини олади.

Яна бир муҳим жиҳат: яқин-яқингача мажбурий меҳнат, болалар меҳнати масаласида кўп жиҳатдан жиддий танқид эшитишимизга тўғри келган. Лекин охириги 4-5 йил ичида юртимизда болалар ва мажбурий меҳнатга батамом чек қўйилди. Масалан, биргина 2020 йилнинг ўзида мамлакатимизда одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш йўналишидаги вазифаларни тартибга солиш мақсадида 19 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган.

Содда қилиб айтганда, кейинги йилларда Ўзбекистонда мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатини бартараф этиш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Жорий йилда Болалар омбудсмани тўғрисидаги қонун қабул қилиниши бу борадаги ишларни янги босқичга кўтарди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президенти БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига урта таклиф билан мурожаат қилди:

Биринчидан – суд кенгашлари фаолиятининг универсал таъмоийларини ишлаб чиқиш;

Иккинчидан – Қийноқларга қарши конвенциянинг Факультатив протоколини Ўзбекистон томонидан ратификация қилиш;

Учинчидан – БМТнинг Қийноқлар бўйича махсус маърузачисини ушбу масалаларда биргаликда ишлаш учун Ўзбекистонга таклиф қилиш.

Давлатимиз раҳбари БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Мишел Бачелетнинг мамлакатимизга ташрифини кутаётганимизни алоҳида таъкидлади.

Президентимиз таъбири билан айтганда, Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларини тўлиқ амалга оширишда давом этади. Бинобарин, Юртбошимиз нутқининг туб моҳияти Ўзбекистоннинг демократия, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини тарғиб қилиш ҳамда ҳимоя қилиш йўлидан боришга қаратилган қатъий ва жиддий қарорини яна бир бор тасдиқлайди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, демократик ислохотларимиз жиддий бўлиб, янги Ўзбекистонни шакллантиришга қаратилган. Президентимизнинг ушбу тарихий нутқи эса инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари билан боғлиқ барча жабҳаларни қамраб олгани билан ниҳоятда аҳамиятлидир.

Айниқса, Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш, сўз эркинлигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, қийноқларнинг олдини олиш, Қийноқларга қарши конвенциянинг Факультатив протоколини ратификация қилиш масалаларига қатъият билан ёндашилаётгани юртимизда инсон кадр-қиммати энг олий қадрият эканидан яна бир бор далолат беради.

ЎТКИР ОЧИЛОВ,

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси

Миллий марказининг Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги

халқаро шартномаларни имплементация қилиш бўлими бошлиғи

Ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш –

Ўзбекистоннинг БМТ Кенгашидаги фаолиятида устувор йўналиш

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 22 февраль куни Женева шаҳрида БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши 46-сессиясида сўзлаган нутқида ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Ўзбекистоннинг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши доирасидаги фаолиятининг устувор йўналиши экани ҳақида тўхталди.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидлаганидек, “ёшларимиз ўз олдида катта марраларни қўйиб, уларга эришишлари учун кенг имкониятлар яратиш ва ҳар томонлама қўмак бериш – барчамиз учун энг устувор вазифа бў-

лиши зарур. Шундагина фарзандларимиз халқимизнинг асрий орзу-умидларини рўёбга чиқарадиган буюк ва қудратли кучга айланади”.

Бугунги кунда халқаро ҳамжамият олдида турган муҳим вазифалардан бири – бу ёшлар ҳуқуқларини таъминлаш бўйича халқаро-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилишдир. Давлатимиз раҳбари БМТ минбаридан туриб БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини қабул қилиш бўйича Ўзбекистон ташаббусини қўллаб-қувватлашга чақирди.

Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция жаҳон мамлакатлари қонунчилиги ва ҳуқуқий амалиётини ёшларни қўллаб-қувватлашнинг замонавий талаблари асосида ривожлантиришга ҳисса қўшишни мақсад қилади. Мазкур Конвенцияни қабул қилиш ташаббуси Ўзбекистон Республикаси томонидан илгари сурилгани муайян ижтимоий ва миллий ҳуқуқий асосларга эга.

Ўзбекистонда ёшлар мамлакатда амалга оширилаётган янгиланиш жараёнларининг асосий ҳаракатга келтирувчи куч ҳисобланади. Бинобарин, мамлакат аҳолисининг 54 фоизини 30 ёшгача бўлган шахслар ташкил этади. Бу демографик хусусият ёшларни қўллаб-қувватлаш соҳасида салмоқли ижтимоий тажриба ва эҳтиёж шаклланиши заруриятини кучайтирди.

Ёшларни қўллаб-қувватлаш, улар учун шарт-шароитларни таъминлаш соҳасидаги миллий қонунчилик 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида тизимлилик ва изчиллик тамойилларига мувофиқ ривожланди. Ўтган даврда ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилган 50 дан ортиқ қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинди.

2021 йил – “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” деб эълон қилинди. Бу борада қабул қилинган Давлат дастурида ёшлар ҳуқуқларини таъминлаш бўйича аниқ тадбирлар белгиланди.

Жумладан, Давлат дастурида БМТ шафелигида Ёшлар ҳуқуқлари бўйича бутунжаҳон конференциясини ўтказиш белгилаб қўйилган. Мазкур тадбир доирасида жаҳон мамлакатлари ёшлари ўзаро мулоқотга киришиб, ёшлар олдида турган муаммолар, уларнинг ечимлари, ёшлар ҳуқуқларини таъминлаш бўйича илгор миллий тажрибалар ҳамда ёшлар ҳуқуқларини таъминлашнинг халқаро асосларини такомиллаштириш масалаларини муҳокама қилади.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда ёшларни қўллаб-қувватлаш бўйича уч поғонали миллий механизм шаклланди.

Биринчи поғона – ёшларга оид давлат сиёсатини ишлаб чиқувчи ва амалга оширувчи, ёшлар учун шароитлар яратишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширувчи ихтисослашган давлат органи – Ёшлар ишлари бўйича агентлик ташкил этилди.

Агентлик ёшлар масаласида бошқа вазирликлар, маҳаллий ҳокимликлар билан узвий алоқа ўрнатади, ёшлар бўйича дастурларнинг бажарилишида қатнашади ва турли тадқиқот лойиҳаларини қўллаб-қувватлаб, ёшлар масаласида мамлакатдаги ҳолатнинг эксперт таҳлилини амалга оширади.

Шу билан бирга, Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш концепцияси ва уни амалга ошириш бўйича йўл хариталари тасдиқланди. Бу муҳим ҳужжатлар воситасида ёшлар муаммоларини ҳал қилишга тизимли ёндашиш таъминланди.

Иккинчи поғона – давлат ҳокимиятининг олий, марказий ва маҳаллий органлари ҳамда ўзини ўзи бошқариш органлари ёшлар сиёсати бўйича қонунчиликни амалга оширишда муҳим ўрин эгаллайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси, Олий Мажлис Сенати қошида 100 нафар ва Қонунчилик палатаси қошида 250 нафар фаол ва ташаббускор ёшлардан иборат Ёшлар парламентлари, Қонунчилик палатасида Ёшлар масалалари бўйича комиссия ташкил қилинди.

Учинчи поғона – ёшлар ташкилотлари, жумладан, нодавлат нотижорат ташкилотлари ёшлар сиёсатини рўёбга чиқаришнинг асосий иштирокчисига айланмоқда.

Ёшлар ташкилотларини бирлаштирувчи, улар фаолиятини мувофиқлаштирувчи миллий институт – Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи шаклланди. Республикада ёшлар манфаатларини ҳимоя қиладиган 830 дан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилоти ва жамоат бирлашмалари фаолият олиб бормоқда.

Шундай қилиб, Президентимизнинг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши 46-сессиясидаги нутқида ёшлар ҳуқуқларини таъминлашга устувор аҳамият берилиши Ўзбекистоннинг ёшларни қўллаб-қувватлаш борасидаги миллий тажрибаси ва халқаро ташаббуслари изчил ривожланиб бораётганидан далолат беради.

КАМИЛА ОЛИМОВА,

главный специалист отдела по работе с обращениями физических и юридических лиц Национального центра Республики Узбекистан по правам человека, кандидат юридических наук

Судебно-правовая реформа – важное направление модернизации страны

Выступление Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева на 46-й сессии Совета по правам человека Организа-

ции Объединенных Наций, в качестве члена Совета по правам человека можно назвать историческим событием.

На данном заседании участвовали Генеральный секретарь ООН Антониу Гутерриша, Верховный комиссар по правам человека Мишель Бачелет, главы государств правительств, министры иностранных дел и высокие представители из порядка 150 стран мира.

В своем выступлении глава нашего государства подробно остановился на приоритетах углубления демократических преобразований в стране и основных направлениях работы в рамках Совета по правам человека. В частности, он особо выделил следующие направления:

во-первых, центральное место в реформировании Узбекистана будет занимать обеспечение основных прав и свобод человека;

во-вторых, кардинальное повышение роли женщин в общественной, политической и деловой жизни страны в вопросах гендерной политики;

в-третьих, особое внимание будет уделено обеспечению прав лиц с особыми потребностями;

в-четвёртых, защита прав молодёжи, составляющей более половины населения Узбекистана;

в-пятых, искоренение принудительного и детского труда, одно из главных достижений реформ;

в-шестых, проведение Глобального форума совместно с Управлением Верховного комиссара, посвящённого 10-летию Декларации ООН об образовании и подготовке в области прав человека;

в-седьмых, поддержание предложения Генерального секретаря ООН господина Антониу Гутерриша о принятии решительных мер по сокращению числа лиц без гражданства.

Вместе с тем, Президент Ш. Мирзиёев особо подчеркнул, что Республика Узбекистан принимает во внимание, рекомендации Специальных докладчиков ООН по вопросам о свободе религий или убеждений, а также о независимости судей и адвокатов.

Нужно отметить, что в целях формирования подлинно независимой судебной власти, призванную обеспечить надежную защиту прав и свобод человека, за последние 4 года в Узбекистане проведена значительная работа, направленная на реформирование и демократизацию судебно-правовой системы, либерализацию уголовного, уголовно-процессуального, уголовно-исполнительного законодательства.

В своём Послании Олий Мажлису Президент Узбекистана Шавкат Мирзиёев отметил, что одной из важнейших задач является полное обеспечение независимости суда.

Обеспечение верховенства закона и дальнейшего реформирования судебно-правовой системы, является вторым приоритетным направлением Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017–2021 годах, которая предусматривает независимость судебной власти, гарантию надежной защиты прав и свобод граждан, совершенствование законодательства, укрепление законности в судебно-правовой системе.

Кроме того, новой вехой в развитии и дальнейшем становлении независимой и эффективной судебной системы стало издание Указа Президента Республики от 21 февраля 2017 года УП-4966 «О мерах по коренному совершенствованию структуры и повышению эффективности деятельности судебной системы Республики Узбекистан».

Так, реализованы широкомасштабные меры по обеспечению подлинной независимости судебной власти, повышение авторитета суда, демократизация и совершенствование судебной системы.

Важнейшим значимым нововведением в судебной системе нашей страны стало введение нового института – Высшего судейского совета, являющегося органом судейского сообщества, ответственным за формирование судейского корпуса и организацию профессиональной подготовки, повышения квалификации судей, а также оказывающего содействие в обеспечении соблюдения конституционного принципа независимости судебной власти. С введением данного института усовершенствована система отбора кандидатов и назначения на должность судей.

Указом Президента Республики Узбекистан от 13 июля 2018 года реализованы комплексные меры по повышению открытости и прозрачности деятельности судебных органов, налаживанию открытого диалога с населением и усилению роли общественности в отправлении правосудия. В частности, поэтапно внедряется порядок систематического опубликования на веб-сайте Верховного суда судебных решений. В практику судов впервые внедряется порядок предоставления участникам судебного процесса разъяснений сути принятого судебного акта после его оглашения.

Значимым шагом в деле обеспечения независимости судебных органов стало образование Департамента по обеспечению деятельности судов при Верховном суде, на которого возложены задачи материально-технического и социального обеспечения судов, судей и судебных работников, а также улучшение условий их труда и материального стимулирования, которые ранее выполнялись органами юстиции.

Принятые в этой сфере законодательные меры уже дают конкретные результаты. Позитивные изменения в этой сфере признал и Специальный докладчик ООН по вопросам о независимости судей

господин Диего Гарсия-Саян, посетивший Узбекистан с официальным визитом в сентябре 2019 года с целью оценки нынешней реформы системы правосудия.

Спецдокладчик ООН отметил, что создание Высшего судебного совета, реорганизация судебной системы, новые процедуры отбора и назначения кандидатов на судебские должности, а также принятие ряда мер по улучшению подготовки и обеспечению гарантий несменяемости судей можно рассматривать в качестве позитивных шагов на пути к созданию подлинно независимой и беспристрастной системы правосудия.

Независимость судебной власти является важной составляющей права на справедливое судебное разбирательство и принципа верховенства права. Для обеспечения независимости судебной власти в некоторых странах были созданы самостоятельные судебные органы, такие как судебные советы, призванные защищать и поощрять независимость и самостоятельность судебных органов.

Сегодня в мире в более чем в 70 странах мира имеются судебные советы, которые занимаются вопросами отбора и назначения судебных кадров. Вместе с тем, несмотря на рост числа советов судей во всех регионах мира, на международном уровне отсутствуют международно-правовые нормы, касающиеся конкретной роли, состава и функций советов судей.

Общие функции, состав и основные компетенции советов судей рассматриваются в ряде принципов, руководящих указаний и рекомендаций, принятых ассоциациями судей или совещаниями представителей высших судебных органов на региональном уровне в Азии, Европе.

Именно поэтому предложение главы Узбекистана о разработке универсальных принципов деятельности судебных советов является актуальным и своевременным. Реализация данной инициативы послужит разработке общих международно-правовых принципов, касающихся учреждения, членского состава и функций судебных советов, с тем чтобы гарантировать независимость судебной системы. Данные принципы могут послужить полезным инструментом для всех государств-членов ООН, особенно для тех из них, где еще не созданы советы судей.

ШАХЗОДА АБДУВАЛИЕВА,

технический специалист редакции
«Демократизация и права человека»

**Узбекистан активно сотрудничает с международными
организациями в сфере прав человека**

В октябре 2020 г. Республика Узбекистан стала членом Совета ООН по правам человека, а 22 февраля Президент нашей стра-

ны Ш.М. Мирзиёев на государственном языке выступил в онлайн режиме на 46 сессии этой организации с информацией о соблюдении прав человека в Узбекистане и предложениями по развитию тесного сотрудничества государств членов данной структуры ООН.

Данное событие имеет большое значение, поскольку свидетельствует о том, что с первых лет независимого развития наша страна привержена правам человека, которые нашли свое закрепление в 1992 г. во втором разделе Конституции Республики Узбекистан. В основу государственной политики положены нормы и принципы, отраженные во Всеобщей декларации прав человека, Пакте о гражданских и политических правах, Пакте об экономических, социальных и культурных правах, Конвенции о правах, а также в более 80-ти международных документах по правам человека, ратифицированных узбекским парламентом. Большое значение придается празднованию принятия Всеобщей декларации прав человека, к 60-летию и 70-летию ВДПЧ (2008, 2018 гг.) были приняты Указы президента Республики Узбекистан, утвердившие программы мероприятий, посвященные этим событиям.

Участие Узбекистана в деятельности Совета ООН по правам человека позволит знакомить его членов с ходом реформ, осуществляемых в настоящее время, получать информацию о проблемах, возникающих в других государствах при реализации прав и свобод человека, делиться опытом, который накопила наша страна за 30 лет независимости в сфере углубления демократических преобразований.

Членство в Совете по правам человека, которое продлится три года (до 2023 г.) будет несомненно способствовать соблюдению в Узбекистане высоких международных стандартов защиты прав человека.

ХУСНИДДИН ХОЛМАМАТОВ,

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси
Миллий марказининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги
таҳлил ва тадқиқотлар бўлими етакчи мутахассиси

Инсон ҳуқуқларини таъминлаш – ислоҳотлар бош ғояси

2020 йилнинг 13 октябрь куни 2021–2023 йиллар даврига Ўзбекистон илк бор БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши аъзоси этиб сайланди. Ушбу Кенгаш инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, инсон ҳуқуқларининг бузилиши билан боғлиқ ҳолатларни кўриб чиқиш ва тавсиялар бериш учун масъул орган ҳисобланади. Кенгаш 47 аъзо давлатдан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири уч йиллик муддатга сайланади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши 46-сессияси 2021 йил 22 февраль куни Швейцария пойтахти Женева шаҳрида видеоанжуман шаклида ўз ишини бошлади. Мазкур сессиянинг Юқори даражадаги сегменти ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ушбу Кенгашга аъзо давлат раҳбари сифатида биринчи марта иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Президентимиз нутқида қуйидаги устувор йўналишларга эътибор қаратилди:

- инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш Ўзбекистондаги ислохотларда энг муҳим ўринда туриши;

- гендер сиёсати масалалари борасида мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ва ишбилармонлик соҳасида аёлларнинг ролини тубдан оширишга қаратилган ишларни қатъий давом эттириш;

- алоҳида эҳтиёжга эга бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлашга жиддий эътибор қаратиш;

- аҳолининг ярмидан кўпини ташкил этадиган ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш доимо эътиборимиз марказида бўлиши;

- Халқаро меҳнат ташкилоти ва Жаҳон банки билан ҳамкорликда мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатига барҳам бериш бўйича катта ишлар амалга оширилгани;

- Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим декларациясининг 10 йиллигига бағишлаб БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Бошқармаси билан биргаликда глобал форум ўтказиш;

- БМТ Бош қотиби Антониу Гутерришнинг фуқаролиги бўлмаган шахслар сонини камайтириш бўйича қатъий чоралар кўриш тўғрисидаги таклифини қўллаб-қувватлаш.

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда Ўзбекистонда барча соҳаларда амалга оширилган ислохотлар инсон ҳуқуқлари ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатди. Ушбу соҳада бир қанча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Хусусан, 2018 йил 12 апрелда қабул қилинган “Жамоатчилик назорати тўғрисидаги”, 2019 йил 2 сентябрдаги “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги ҳамда “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, 2020 йил 15 октябрдаги “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги қонунлар шулар жумласидандир.

Бугунги кунда мамлакатимиз бошқарув тизимида аёлларнинг сони ортиб бормоқда. Парламент палаталарида аёл депутат ва сенаторлар сони ошгани ҳамда тобора кўпроқ аёллар ҳоким ва элчи сифатида тайинланаётгани гендер сиёсати масалалари бўйича ижобий ишларга яққол мисол бўла олади.

Шу кунга қадар Ўзбекистонда фуқаролиги бўлмаган шахслар мавжудлигидан кўз юмиб бўлмайди. Бу эса ушбу тоифага ман-

суб шахслар маълум ҳуқуқлардан фойдаланишида муаммоларни юзага келтирган.

2020 йил 13 мартда янги таҳрирда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги қонуннинг 6-моддаси асосида 50 минг нафардан ортиқ шахсга Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олиш имконияти яратилди. Ўз навбатида, бу муҳим қадам фуқаролиги бўлмаган шахслар сонини камайитиришга самарали туртки берди.

Шунингдек, 2020 йил 29 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга тақдим этилган Мурожаатномасида 2005 йилгача мамлакатимизга келиб доимий яшаётган, фуқаролиги бўлмаган шахсларга ҳам тўғридан-тўғри Ўзбекистон фуқаролигини олиш имконияти берилиши, бу билан яна 20 минг киши Ўзбекистон фуқароси бўлиш имкониятига эга бўлиши ҳамда 15 йил давомида муқим яшаган фуқаролиги бўлмаган шахсларга тўғридан-тўғри Ўзбекистон фуқаролигини беришнинг доимий тартиби жорий қилиниши таъкидланди. Бу муҳим мавзу давлатимиз раҳбарининг Женевадаги чиқишида ҳам тилга олинди.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш давлатимиз раҳбари эътиборида турган асосий йўналишлардан биридир. Президентимиз таъбири билан айтганда, “Ўзбекистон Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш аъзоси сифатида халқаро ҳуқуқнинг инсон ҳуқуқларига оид умум эътироф этилган принцип ва нормаларини қатъий ҳимоя қилади ва фаол илгари суради”.

ЖАСУР МАМАДАЛИЕВ,

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси
Миллий марказининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги
халқаро шартномаларни имплементация қилиш
бўлими етакчи мутахассиси

Миллий стратегия – инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг самарали воситаси

Ижтимоий ҳаётни яхшилашга қаратилган технологиялар жадал ривожланаётган, ресурсларга бўлган талаб тобора ошиб бораётган, иқлимнинг кескин ўзгариши кузатилаётган бугунги глобал макон ва замонда инсон ҳуқуқларини таъминлаш, ҳимоя қилиш ҳамда рағбатлантириш масалалари давлатлар зимасига улкан масъулият юкламоқда.

Шундай мураккаб даврда Ўзбекистон инсон ҳуқуқларини, жумладан, гендер тенгликни таъминлаш, аёллар, болалар ва но-

гиронлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида муҳим натижаларга эришмоқда. Шу маънода, мамлакатимиз тарихда илк бор БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига аъзо этиб сайлангани бежиз эмас.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари бўйича 80 дан ортиқ халқаро ҳужжатга, жумладан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 6 та асосий шартномаси ва 4 та факультатив протоколига қўшилган. Мамлакатимиз ана шу халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича зиммасига олган мажбуриятларнинг бажарилиши юзасидан БМТнинг тегишли шартномавий қўмиталарига мунтазам равишда миллий маърузалар тақдим этиб келмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясида сўзлаган нутқида таъкидланганидек, 2030 йилгача мўлжалланган Барқарор ривожланиш мақсадлари мамлакатимизда ҳар бир инсоннинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашни кўзда тутадиган “ҳеч кимни эътибордан четда қолдирмаслик” тамойили асосида амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 22 июндаги Фармони билан Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси тасдиқлангани бу борада ривожланишнинг тубдан янги босқичини бошлаб берди. Шу ўринда ушбу ҳужжат халқаро экспертлар, хусусан, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Бошқармаси мутахассисларининг фаол иштирокида ишлаб чиқилганини таъкидлаш лозим.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси тимсолидаги ушбу соҳага тааллуқли муҳим дастурий ҳужжат мамлакатимизда илк бор қабул қилинди. Бу, бир томондан, инсон ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳимоя қилишга доир кенг қўламли ишларни аниқ тизимга солган бўлса, иккинчи томондан, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги мавқеи янада ошишига олиб келди.

Шу билан бирга, инсон ҳуқуқлари соҳасида узоқ муддатли стратегиянинг қабул қилиниши ушбу соҳада давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишига, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига ҳурмат муносабати шаклланишига, мамлакатнинг халқаро майдондаги обрўси янада мустаҳкамланишига, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий рейтингини ҳамда индекслардаги мавқеи яхшиланишига хизмат қилмоқда.

Айни пайтда Миллий стратегия ижросининг доимий мониторингини Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан изчил амалга оширилмоқда.

ДИЛБАР РАШИДОВА,

главный специалист отдела обучения и просвещения
в области прав человека

Гендерная политика – приоритетное направление

Всесторонняя реализация прав и интересов человека является основной целью всех реформ, проводимых в Узбекистане в последние годы. В этом процессе особое внимание уделяется обеспечению гендерного равенства, что является не только одним из основных прав человека, но и необходимой основой для достижения мира, процветания и устойчивого развития.

Выступление Президента Узбекистана Ш. Мирзиёева в работе 46-й сессии Совета ООН по правам человека и обозначение вопроса гендерного равенства одним из приоритетов дальнейшего углубления демократических преобразований в Узбекистане и работы в рамках Совета, еще раз доказывает, что гендерная политика занимает центральное место в реформировании Узбекистана.

Предоставление женщинам и девочкам равного доступа к образованию, медико-санитарному обслуживанию, достойной работе и участию в процессах принятия политических и экономических решений будет способствовать достижению устойчивости экономики и принесет пользу обществу и человечеству в целом.

Известно, что Узбекистан присоединился к основным международным договорам, как Конвенция о ликвидации всех форм дискриминации в отношении женщин, Конвенция о политических правах женщин, Конвенция о равном вознаграждении мужчин и женщин за труд равной ценности, Конвенция об охране материнства, реализуется Пекинская декларация и Платформа действий.

Не случайно, что гендерное равенство и расширение прав и возможностей женщин определены в качестве одной из основных приоритетных национальных стратегий и задач Узбекистана по обеспечению Целей устойчивого развития до 2030 года.

Последовательно осуществляются меры по активизации роли женщин в государственной и общественной жизни, обеспечению равных возможностей их участия в процессах принятия решений и лидерства на всех этапах политической и социально-экономической жизни страны.

В этой области укрепляется национальная правовая база в соответствии с общепризнанными нормами международного права. В 2019 году были приняты законы «О гарантиях равных прав и возможностей для женщин и мужчин» и «О защите женщин от претеснения и насилия». В Сенате Олий Мажлиса Республики Узбекистан создана Комиссия по вопросам обеспечения гендерного равенства.



В результате проведенных реформ по усилению роли женщин в государственном управлении по итогам выборов в Парламент в 2019 году в Законодательную Палату Олий Мажлиса Республики Узбекистан избрано 48 женщин, что составляет 32 %, тем самым выполнив рекомендации ООН (30 процентов) по количеству женщин в Парламенте.

В своём Послании Олий Мажлису 2021 году Президент Республики Узбекистан еще раз отметил, что одним из приоритетов продолжающихся реформ является дальнейшее повышение роли женщин в государственном и общественном управлении, создание достойных условий жизни для более 17 миллионов живущих в стране женщины.

Главой государства предложил образовать Республиканский общественный женский совет, в который войдут активные и инициативные женщины.

В рамках Государственной программы также на поддержку бизнес-проектов женщин и для решения выявленных на местах проблем женщин из бюджета дополнительно направлено более 1 триллиона сумов. В этих целях Народный банк будет внедрять новую систему обучения женщин предпринимательству, разрабатывает для них типовые бизнес-планы и окажет практическую помощь в получении кредитов.

Отрадно, что в качестве следующего шага в вопросах гендерной политики Глава государства на 46-й сессии Совета ООН по правам человека, отметил, что Узбекистан намерен кардинально повысить роль женщин в общественной, политической и деловой жизни страны. В 2021 году в Узбекистане планируется проведение Диалога женщин-лидеров стран Центральной Азии и региональный женский бизнес-форум.

Проведение данных мероприятий, даст возможность формированию и развитию новой консультативной площадки для развития регионального сотрудничества в вопросах поддержания мира, стабильности и безопасности в регионе, достижения устойчивого развития и обеспечения гендерного равенства, расширит доступ к региональному и глобальному партнерству, а также обмену опытом.

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши (қисқача таъриф)

2006 йил 15 мартда БМТнинг Бош Ассамблеяси Ташкилотнинг 170 та аъзо давлатлари қўллаб-қувватлаши асосида илгари фаолият юритган Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссияси ўрнига БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашини ташкил этиш тўғрисидаги №60/251-сонли резолюцияни қабул қилди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш – Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тизимидаги ҳукуматлараро орган ҳисобланиб, бутун дунёда барча инсон ҳуқуқларини умумий ҳурмат қилиш ва ҳимоя қилишга кўмаклашиш ҳамда инсон ҳуқуқлари бузилиши билан боғлиқ ҳолатларни кўриб чиқиш, шунингдек, тегишли тавсияларни тайёрлаш учун мўлжалланган.

Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш Женевада жойлашган бўлиб, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси котибият вазифасини бажаради. Кенгаш мутлақ кўпчилик овоз билан яширин овоз бериш орқали 3 йил муддатга сайланадиган 47 давлатдан иборат.

Кенгаш мажлислари мунтазам равишда, йилига камида уч марта – март, июнь ва сентябрь ойларида ўтказилади. Бундан ташқари, Кенгаш таркибининг учдан бир қисми талабига биноан махсус фавқулодда сессиялар ўтказилади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш йил давомида унинг эътиборини талаб қиладиган инсон ҳуқуқлари соҳасидаги барча мавзули масалаларни ва вазиятларни муҳокама қилиш ваколатига эга. Кенгаш фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларга, ривожланиш ҳуқуқига тенг эътибор бериб, шунингдек, давлатларга техник ёрдам кўрсатади. Таъкидланишича, Кенгаш ҳар қандай мамлакатда инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ вазиятни танлаб олиш услубига мурожаат қилмасдан кўриб чиқади.

Кенгаш ўз ишини белгилаб олиш, тартиб ва механизмларни ўрнатиш учун бир қатор қарорлар қабул қилди. Хусусан:

- Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо давлатларнинг ҳар бирида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳолатларни баҳолаш учун ўтказиладиган Универсал даврий ҳисобот;

- Кенгашнинг “ақл маркази” бўлган Маслаҳат қўмитаси унга эксперт хулосаларини тақдим этади ва инсон ҳуқуқларига риоя қилиш соҳасидаги мавзули масалалар бўйича маслаҳат беради;

- Жисмоний шахслар ва ташкилотларга инсон ҳуқуқлари бузилиши тўғрисида Кенгаш эътиборига етказишга имкон берувчи шикоятларни тақдим этиш ва кўриб чиқиш тартиби.

Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш, шунингдек БМТнинг махсус маърузачилар, махсус вакиллар, мустақил экспертлар ва муайян мамлакатларда инсон ҳуқуқларига риоя қилишга тааллуқли мавзули масалалар юзасидан мониторингни амалга оширадиган, тадқиқотлар олиб борадиган, маслаҳатлар ва очиқ ҳисоботларни тақдим этадиган ишчи гуруҳлардан ташкил топган Махсус процедуралари билан ҳам ишлайди.

БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг аъзо-давлатлари ўз ваколатлари муддати давомида инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ ҳолатларда универсал даврий текширувдан ўтказилади.

Ижтимоий ва иқтисодий кенгаши (ЭКОСОС) билан маслаҳатлашувчи мақомга эга бўлган нодавлат ташкилотлар ва фуқаролик

жамияти институтлари, шунингдек, миллий ҳуқуқни ҳимоя қилувчи муассасалар Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш ишида қатнашиш ва кун тартибидаги барча бандлар бўйича чиқиш қилиш ҳуқуқига эга.

2020 йил 13 октябрда БМТ Бош Ассамблеяси делегатлари кўпчилилик овоз билан тарихда биринчи марта Ўзбекистон Республикасини БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши аъзолигига уч йиллик муддатга (2021–2023 йиллар) сайлади.

Совет ООН по правам человека (краткая характеристика)

15 марта 2006 г. Генеральная Ассамблея ООН при поддержке 170 государств-членов Организации приняла резолюцию (№60/251) о создании **Совета ООН по правам человека (СПЧ)** вместо ранее функционировавшей Комиссии по правам человека (КПЧ).

СПЧ, являясь межправительственным органом в системе Организации Объединенных Наций, призван содействовать всеобщему уважению и защите всех прав человека по всему миру и рассматривать ситуации, связанные с нарушением прав человека, а также подготавливать соответствующие рекомендации.

СПЧ располагается в г. Женеве, секретариатом служит Управление Верховного комиссара ООН по правам человека. Совет состоит из 47 государств, избираемых на 3 года, путем тайного голосования абсолютным большинством голосов.

Заседания СПЧ проводятся регулярно, не менее трех раз в год – в марте, июне и сентябре. Помимо этого, проводятся специальные чрезвычайные сессии по требованию одной трети состава Совета.

В компетенцию СПЧ входит обсуждение всех тематических вопросов и ситуаций в области прав человека, которые требуют его внимания в течение всего года. Совет уделяет равное внимание гражданским, политическим, экономическим, социальным и культурным правам, праву на развитие, а также оказывает государствам техническую помощь. Заявлено, что СПЧ рассматривает ситуацию с правами человека в любой стране, не прибегая к избирательному подходу.

СПЧ принял Пакет решений для определения своей работы и установления процедур и механизмов. В частности:

- Универсальный периодический обзор, в рамках которого проводится оценка ситуаций в области прав человека в каждом из государств-членов ООН;

- Консультативный комитет, который является «мозговым центром» Совета, предоставляет ему экспертные заключения

и проводит консультации по тематическим вопросам в области соблюдения прав человека;

– Процедура подачи и рассмотрения жалоб, которая позволяет частным лицам и организациям довести до сведения Совета о нарушениях прав человека.

Совет по правам человека также работает со Специальными процедурами ООН, состоящих из специальных докладчиков, специальных представителей, независимых экспертов и рабочих групп, которые осуществляют мониторинг, проводят исследования, консультации и представляют открытые отчеты по тематическим вопросам, касающимся соблюдения прав человека в конкретных странах.

Государства-члены СПЧ ООН подвергаются универсальной периодической проверке ситуации с правами человека в течение срока их полномочий.

В работе СПЧ имеют право участвовать и выступать по всем пунктам повестки дня неправительственные организации и институты гражданского общества, имеющие консультативный статус при ЭКОСОС, а также национальные правозащитные учреждения.

13 октября 2020 года делегаты Генеральной Ассамблеи ООН большинством голосов впервые в истории избрали Республику Узбекистан на трехлетний срок (2021–2023 гг.) в Совет ООН по правам человека.

Юқори даражадаги сегмент (қисқача таъриф)

Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашнинг баҳорги сессияси доирасида йилда бир маротаба **Юқори даражадаги сегмент** йиғилиши ўтказилади.

Юқори даражадаги сегментнинг мақсади – дунё мамлакатларида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг долзарб масалаларини юқори сиёсий даражада муҳокама қилиш, бу соҳада халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш механизмлари ва тартибларини мустаҳкамлаш.

Юқори даражадаги сегмент Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашнинг ҳар йилги асосий сиёсий тадбири ҳисобланади ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳамда рағбатлантириш масалалари бўйича БМТга аъзо мамлакатларнинг умумий ва ўзаро мақбул позицияларини келишиш ва ишлаб чиқиш механизми сифатида ташкил этилган.

Ҳар йили Юқори даражадаги сегмент йиғилишида давлат ва ҳукумат раҳбарлари, ташқи ишлар вазирлари, адлия вазирлари,

шунингдек, қатор халқаро ва минтақавий ташкилотлар раҳбарларидан иборат делегациялар иштирок этади.

Жумладан, ҳозирги кунга қадар Юқори даражадаги сегментда 20 га яқин давлат раҳбарлари олий даражада нутқ сўзладилар: Мишлин Кальми-Рей – Швейцария президенти (2007 й.), Дж. Наполитано – Италия президенти (2011 й.), Йоахим Гаук – Германия президенти (2013 й.), Монсеф Марзуки – Тунис президенти (2014 й.), Георге Иванов – Шимолий Македония Республикаси президенти (2015 й.), Фор Эссозимна Гнассингбе – Того президенти (2016 й.), Махмуд Аббас – Фаластин давлати президенти (2017 й.), Александр Ван дер Беллен – Австрия президенти (2018 й.), Филиппе Хасинто Ньюси – Мозамбика президенти (2018 й.); Драган Чович – Босния ва Герцеговина Президиуми раиси (2018 й.); Беджи Каид Эс-Себси – Тунис президенти (2019 й.); Мило Джуканович – Черногория президенти (2020 й.), Лука Боски ва Мариэлла Муларони – Сан-Марино Капитан-регентлари (2020 й.), Фаиз Мустафас-Сарадж – Ливия Миллий келишув ҳукумати президент кенгашининг раиси (2020 й.).

Ўзбекистон делегацияси 2007 йилдан буён Юқори даражадаги сегмент йиғилишларида иштирок этиб келмоқда.

Сегмент высокого уровня (краткая характеристика)

Раз в год в рамках весенней сессии Совета по правам человека проводится заседание **Сегмента высокого уровня (СВУ)**.

Цель СВУ – обсуждение на высоком политическом уровне актуальных вопросов защиты прав человека в странах мира, развитие международного сотрудничества в этой области и укрепление механизмов и процедур СПЧ.

СВУ является главным ежегодным политическим мероприятием СПЧ и создан в качестве механизма согласования и выработки общих и взаимоприемлемых позиций стран-членов ООН по вопросам поощрения и защиты прав и свобод человека.

Ежегодно заседания СВУ посещают делегации из числа глав государств и правительств, министров иностранных дел и юстиции, а также руководителей ряда международных и региональных организаций.

В частности, до настоящего времени в СВУ на высшем уровне выступили 20 глав государств: Мишлин Кальми-Рей – президент Швейцарии (2007 г.), Дж. Наполитано – президент Италии (2011 г.), Йоахим Гаук – президент Германии (2013 г.), Монсеф Марзуки – президент Туниса (2014 г.), Гёрге Иванов – президент бывшей югославской Республики Македония (2015 г.), Фор Эссозимна Гнассингбе – президент Того (2016 г.), Махмуд Аббас – президент

Государства Палестина (2017 г.), Александр Ван дер Беллен – президент Австрии (2018 г.), Филипе Хасинто Ньюси – президент Мозамбика (2018 г.); Драган Чович – председатель Президиума Боснии и Герцеговины (2018 г.); Беджи Каид Эс-Себси – президент Туниса (2019 г.); Мило Джуканович – президент Черногории (2020 г.), Лука Боски и Мариэлла Муларони – Капитаны-регентсы Сан-Марино (2020 г.), Фаиз Мустафа ас-Сарадж – председатель президентского совета Правительства национального согласия Ливии (2020 г.).

Делегация Узбекистана участвует в заседаниях СВУ с 2007 года.

Мундарижа

Саидов А.Х. Ўзбекистон ва БМТ: ҳамкорликнинг янги қирралари (сўзбоши ўрнида)	3
Ўзбекистон Республикаси Президентининг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясидаги нутқи: жаҳон ҳамжамиятининг муносабати	22
Ўзбекистон Республикаси Президентининг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясидаги нутқи: мамлакат жамоатчилигининг муносабати	61
БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши (қисқача таъриф)	134
Юқори даражадаги сегмент (қисқача таъриф)	137

Содержание

Саидов А.Х. Узбекистан и ООН: новые грани сотрудничества (вместо предисловия)	13
Выступление Президента Республики Узбекистан на 46-й сессии СПЧ ООН: отклики мирового сообщества	22
Выступление Президента Республики Узбекистан на 46-й сессии СПЧ ООН: отклики общественности страны	61
Совет ООН по правам человека (краткая характеристика)	136
Сегмент высокого уровня (краткая характеристика)	138

ЎЗБЕКИСТОН БМТ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА КЕНГАШИДА

(жаҳон ҳамжамияти ва мамлакатимиз жамоатчилигининг
Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.М. Мирзиёевнинг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича
кенгашининг 46-сессиясидаги нутқиغا муносабати)

УЗБЕКИСТАН В СОВЕТЕ ПО ПРАВАМ ЧЕЛОВЕКА ООН

(отклики мирового сообщества и общественности
страны на выступление Президента
Республики Узбекистан Ш.М. Мирзиёева
на 46-й сессии Совета по правам человека ООН)

Муҳаррирлар
Техник муҳаррир
Компьютерда саҳифаловчи

М. Пальнова, Л. Рузикулова
Н. Сафарова
А. Жуманиязов

Босишга 2021 йил 6 майда рухсат этилди.

Бичими 84x108 $\frac{1}{32}$.

«PT Serif» гарнитурасида офсет усулда босилди.

Шартли босма табоғи 7,5. Нашр табоғи 7,8.

Адади 500 нусха. Буюртма № 39.

Инсон ҳуқуқлари бўйича

Ўзбекистон Республикаси Миллий марказида чоп этилди.
100029, Тошкент, Ислом Каримов кўчаси, 15.